

Oil va jamiyat

№ 51-52
(1452)
25-DEKABR
2019-yil

Gazeta 1991-yil 1-sentabrdan chiqa boshlagan

E-mail: oilvajamiyat@mail.ru

@oilvajamiyatgazetasi_bot

YANGI YIL – TINCHLIK, SOG'LIK VA OMONLIK OLIB KELSIN!





ЎЗБЕКISTON XOTIN-QIZLAR QO'MITASINING ILMOSNOMASI

Хурматли давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва блогерлар!

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Сизларнинг юртдошларимиз, хусусан аёлларимиз тақдирига бўлган қуюнчак ва фидойи муносабатингизни, шунингдек, жамиятдаги муаммоларга ижтимоий масъулият билан ёндашувингизни эътироф этди ва қадрлайди.

Сизга маълум қиламизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига кўра бугунги кунга қадар Хотин-қизлар кўмиталари ҳузурида 197 та "Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш маркази" ташкил этилган. Барча ҳудудларда бепул телефон тармоғи



(1146 рақамли ишонч телефони) ишлаб турибди.

Биламизки, Реабилитация марказларига ўзаро низолар, оилавий келишмовчиликлардан жабр чеккан, бошига мусибат тушган юртдошларимиз оғир ҳолатларда мурожаат қилишади ёки сиз каби фуқаролик позици-

яси юқори бўлган инсонлар томонидан марказларга йўналтириладилар.

Бироқ кейинги пайтларда зўрланган, одам савдосидан жабр чеккан, эрта туғруқни бошдан кечирган ёки қотиллик қурбони бўлган хотин-қизлар ҳақидаги ҳолатларни ёритишда фожеанинг сабабларини бўрттириш, холислик тамойилига амал қилмаслик, шахс ҳақидаги очиқланиши керак бўлмаган маълумотларни тарқатиш ҳолатлари кузатилмоқда ва бу жабрланувчилар ҳамда уларнинг яқинлари орасида турли норозиликларни келтириб

чиқармоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Реабилитация марказларида руҳий ва жисмоний тикланиш жараёнларида бўлган фуқаролар ҳақидаги маълумотларнинг ҳавфсизлиги қонун билан ҳимояланганлигини эслатиб ўтган ҳолда, Сиз азизлардан шахс шаъни ва ҳуқуқи, инсон руҳияти, тақдир билан боғлиқ ахборотларни тайёрлашда профессионал ёндашув ва чуқур тажрибага таяниб, эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишликни илтимос қилади.

Шунингдек, Хотин-қизлар кўмитаси тизими жабрланган инсонларнинг оғирини енгил қилиш, уларга ёрдам кўрсатиш борасида Сизлар билан қонун доирасида яқин ҳамкорликка тайёрлигини билдиради.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси

ELCHILARNING BEBANO KUNDALIKLARI

Бир кун фаол ўқувчиларимдан бири тақлиф билдирди: "Устоз, келинг бугундан бошлаб янги рукн очамиз. Ушбу рукнни "Элчиларнинг бебаҳо кундаликлари" деб номлаймиз. Ҳар бир дарс аввалида ушбу рукнга мос келадиган маълумотларимизни бир-биримизга айтиб берамиз." Мен бу тақлифни бажонидил қабул қилдим. Чунки ҳамиша дарсларимни ноанъанавий тарзда ўтказишга ҳаракат қиламан. Шу боис ўқувчиларим ҳамиша эркин фикрлашга интилишади.

Изланишларимиз давомида хориж элчиларининг Ўзбекистонимиз тарихи борасида билдирган бебаҳо мулоҳазалари ва маълумотларини тўплашга муваффақ бўлдим. Чунки мактабимизда алоҳида компьютер хонаси мавжуд бўлиб, ушбу хонадаги ҳар бир компьютер интернет тармоғига уланган. Эсдалик ва асарлар орасида энг қимматбаҳо манбалардан бири испаниялик элчи Руи Гонзалес де Клавихо кундаликлари ҳисобланади. Клавихо 1404 йилда Леон ва Кастилия қироли Клавихо 1404 йилда Леон ва Кастилия қироли Генрих III (1390-1406) нинг топшириғи билан Самарқандга келади. Унга Альфонсо Паэс де Саита Мария ва Гомес де Салазар ҳамроҳ бўладилар. Унинг асари "Самарқандга, Темуր саройига саёҳат кундалиги" деб аталади. Клавихо кундаликлари икки қисмдан иборат бўлиб, биринчисида элчиларнинг Самарқандга ча бошидан ўтказган ҳудудлари, турли воқеалар табиати, халқлари турмуш-ишга оид маълумотлари ўз ичига олади. Иккинчи

қисмда муаллиф Кеш ва Самарқандда Темур саройидаги учрашувларни тасвирлайди. Де Клавихо мамлакат, сарой, халқ ва унинг турмуши ҳақида аjoyиб ҳамда тақдорланмас маълумотлар беради.

Бугунги кунда Руи Гонзалес де Клавихо кундаликларининг асл нусхаси Мадриддаги Миллий кутубхонада сақланади. Биринчи марта кундалик Севильяда ношир Арготе де Молина томонидан «Буюк Темуруланг ҳаёти, унинг империяси ерлари билан» номи остида 1582 йилда нашр қилинган. Клавихо кундаликлари илк марта И.И. Срезневский томонидан 1881 йилда Петербургда рус тилига таржима қилиниб, чоп этилган. Ўзбек тилига

таълиқ адабиётшунос олим, профессор Очил Тоғаев томонидан таржима қилинган.

Албатта, Темур даври манбалари орасида энг беқиёс – бу Амир Темура европалик қироллар томонидан юборилган мактублар ва уларга жўнатилган жавоб хатларидир. Амир Темурунинг Франция қироли Карл Vга, Англия қироли Генрих IVга юборган мактублари унинг ташқи сиёсати ва дипломатик санъати тўғрисида фикр юритишда катта ёрдам беради. Амир Темурунинг Карл Vга юборган мактуби бугунги кунда Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейида сақланади. Шу боис ўқувчиларим билан баҳорги таътил вақтида ушбу музейга экскурсия уюштирганмиз.

Навбатдаги дарсларимнинг бирида ёзувчи Бахтиёр Ҳайдаровнинг Амир Темуру бо б о м и з н и н г қ и л и ч и ҳ а қ и д а ё з г а н мулоҳазаларини ўқувчиларга ўқиб бердим. Улар ушбу маълумотларни жон қулоғи билан тинглашди. Ёзувчининг таъкидлашича, Соҳибқирон қиличининг тақдирини жуда таассуфли. Шуниси эътиборлики, бу қилич, улуг бобокалон учун бошқа жажонгирлардан фарқли ўлароқ, фақат уруш қуроли бўлмаган! Таъбир жоиз бўлса, уни юртга омонлик ва тинчлик гарови, адолат шамири дейиш мумкин. Лондондаги машхур Британия музейида "Амударё хазинаси" номли кўргазма бор. Уни кўриш учун бутун дунёдан келувчи сайёҳлар оқими узилмас, шу боисдан бу кўргазмани пул чоп этувчи дастгоҳга қийёслашар экан.

Тарихан турли сабабларга кўра дунё бўйлаб сочилиб кетган, энг нуфузли музейлар хазинасини беэза тур-




ган маданий бойликларимизнинг сон-саногий йўқ. Ана шундай ноёб тарихий-маданий ашёлар нафақат халқимиз маданиятининг нодир дурдоналари, балки жаҳон миқёсидаги йирик коллекциялар ҳисобланади.

Санкт-Петербургдаги Эрмитажга эса юртимиз тарихига оид тарихий бойликларнинг санаб саногига етиш мушкул. Масалан, ушбу музейда Амир Темуру макбарасининг фил суяғи билан қадама нақшланган улкан, нодир эшиклари, макбаранинг нақшинкор ойнаси, макбара пештоқидаги нафис ёзувли лавҳа бор.

Тарихимизнинг қайсидир сарҳадларини ёритиб берувчи бу каби маълумотлар ўқувчиларимиз қалбида ўзгача иштиёқ ва Она юртимизга бўлган юксак муҳаббатни уйғотиши, табиий. Шу боис мен ўз сабоқларим жараёнида янги маълумотлардан кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қиламан. Ҳамкассларимни эса дарсликдаги мавзулар билан чегараланиб қолмасликка ундайман.

Гавҳар ФАЙЗУЛЛАЕВА, Ғаллаорол туманидаги 25-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.



YANGI INNOVATSIYALAR:

ESKI MUAMMOLARNI YECHISHGA XIZMAT QILADI

– Киш фасли яқинлашгани сайин ис газидан заҳарланган юртошларимиз ҳақидаги турли хабарларни эшитиб, уларга чин кўнгилдан ёрдам беришни ният қилиб юрардим, – дейди Муҳаммад Ал Хоразмий номидаги Ахборот технологиялари ва коммуникацияга ихтисослаштирилган мактабнинг 10 синф ўқувчиси Ирода СОБИРОВА. – Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ўтказилиши режалаштирилган “ITWomenUz” лойиҳаси мени янгилик устида ишлашга ундади.

Дудбўрондан чиқаётган ис гази ҳақида мобиль телефонга хабар беришчи мосламани ўйлаб топдим. Бошида бу оддийгина бир орзу эди. Ушбу мослама ҳақида тендошларимга айтганимда улар ҳам бунга қўшимча фикрлар беришди. Шундай қилиб лойиҳани ишлаб чиқиш учун 4 кишидан иборат ўқувчилар иш бошладик. Дудбўрон ёнига дедектор қўйиб, дедекторга махсус мослама ўрнатилди ва бу мобиль илова орқали телефонга уланади. Агар дудбўрондан газ хиди сезилса, мобиль телефонга СМС хабар келади. Мазкур лойиҳада иштирок этиш майдонида билим ва тажрибаларим янада ошди ва финал босқичигача етиб келиб йўналишим бўйича голиб деб топилдим.

160 ДАН ЗИЁД ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАТНАШДИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви Миллий агентлиги қосидаги Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича “Mirzo Ulugbek Innovation Center”, Тошкент шаҳридаги Инха университети ҳамда Тошкент

МОБИЛЬ ИЛОВАЛАР, ВЕБ-САЙТЛАР, ДАСТУРЛАР...

Лойиҳани амалга жорий қилишдан кўзланган мақсад хотин-қизларни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига жалб қилиш, уларни мобиль илова, веб-сайт, дастурий маҳсулотларни яратиш,

Ўзбекистон

Хотин-қизлар кўмитасида ўтказилган “ITWomenUz” – лойиҳасининг учинчи босқичида ўз лойиҳаларини муваффақиятли якунига етказган дастурчи хотин-қизлар ўртасида “Энг яхши мобиль илова”, “Энг яхши веб-сайт”, “Энг яхши дастурий маҳсулот”, “Энг яхши электрон плакат” номинациялари бўйича танлов ташкил қилинди ва экспертлар барча ишларни пухта ўрганиб чиқиб, уларни атрофлича таҳлил этди.



тарзда рўйхатга олиш йўлга қўйилди.

Даставвал, лойиҳанинг биринчи босқичида Тошкент Ахборот технологиялари университети ҳамда Тошкент шаҳридаги Инха университетиде жорий йилнинг 19-24 август кунлари бир ҳафта давомида ўқув-амалий машғулотлар ташкил этилиб, мобиль иловалар тайёрлаш, веб-сайтлар яратиш, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш ҳамда компьютер графикаси ва дизайн йўналишларида хотин-қизларнинг малакаси оширилди. Сўнгра тингловчиларнинг олган назарий билимлари ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият юритаётган олий ўқув юртлари, ташкилот ва корхоналарда 26 август – 18 сентябрь кунлари уч ҳафта майдонида амалиётга татбиқ қилинди.

ЭНГ САРА ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ

“ITWomenUz” – лойиҳасининг иккинчи босқичи 19 сентябрдан бошланди ва курс ишларини бажаришлари учун хотин-қизлардан иборат гуруҳлар шакллантирилди. Хотин-қизлар курс ишларини устозлари раҳбарлигида бажардилар ва иккинчи босқич натижалари 16-19 октябрь кунлари Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида экспертлар томонидан ўрганилди. “ITWomenUz” – лойиҳаси иштирокчилари ўзлари яратган веб сайт, дастурий маҳсулотлар ва мобиль иловаларини ҳамда дизайнерлар ўзлари чизган электрон плакатларининг тақдимотларини намоён қилдилар ва экспертлар тайёрланган барча лойиҳалар бўйича хулосаларини бердилар. “ITWomenUz” – лойиҳаси иштирокчилари томонидан энг муваффақиятли тайёрланган лойиҳалар учинчи босқичга тақдим этилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида ўтказилган “ITWomenUz” – лойиҳасининг учинчи босқичида ўз лойиҳаларини муваффақиятли якунига етказган дастурчи хотин-қизлар ўртасида “Энг яхши мобиль илова”, “Энг яхши веб-сайт”, “Энг яхши дастурий маҳсулот”, “Энг яхши электрон плакат” номинациялари бўйича танлов ташкил қилинди ва экспертлар барча ишларни пухта ўрганиб чиқиб, уларни атрофлича таҳлил этди. Мукамал деб топилган ишларнинг муаллифлари “Энг яхши мобиль илова”, “Энг яхши веб-сайт”, “Энг яхши дастурий маҳсулот”, “АКТ соҳаси бўйича энг яхши инновацион лойиҳа”, “Энг яхши электрон плакат” номинациялари бўйича “ITWomenUz” танловининг голиби деб топилди.

ЯНГИЧА ҚАРАШЛАР, ЭЪТИРОФЛАР ВА ЭЪТИРОЗЛАР

Жорий йилнинг 18 декабрь куни танлов голибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

– Мазкур танловда “UzVazirlik” мобиль иловаси билан қатнашдим, – дейди Инха университети талабаси Умматой Йўлдошева. – Ушбу мобиль иловаси фойдаланиш жуда қулай ва осон ахборот ресурси бўлиб, асосий 2 та қисмдан ташкил топган. Ҳар бир қисм махсус маълумотга эга бўлиб, ўз ичига Ўзбекистон ҳудудидаги 21 та вазирлик ҳақида маълумот тўплаган. Умумий ҳажми 2 мб ва маълумотлар базаси махсус серверга жойланган, яъни янгилашиш хусусиятига эга.

Иловани яратишда “Android” дастуридан фойдаланилган. “UzVazirlik” мобиль иловасини PlayMarket дастури орқали юклаб олишингиз мумкин.

Шайхонтохур тумани хотин-қизлар кўмитаси веб сайти кўплаб афзалликларга эга. Гуруҳ сардори Соҳибжамол Боеваннинг таъкидлашича, фуқаролар сайтдан масофадан турган ҳолда ўзларини қизиқтирган барча саволга жавоб ҳамда керакли бўлган ҳужжатларни кўчириб олишлари мумкин. Бундан ташқари, сайт кўзида нуқсон бор ҳамда кўзи ожиз фуқароларга ҳам бемалол фойдаланишга мўлжалланган.

– “Ушбу инновацион танлов замонамиз аёлларининг янги нигоҳидир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситханова. – Умид қиламизки, бу инновациялар нақадар янги бўлмасин, эски муаммоларимизни ечишга, айниқса аёлнинг оғирини енгил қилиш, унинг дардларига дармон бўлишга ҳам хизмат қилади. Негаки, илмнинг, ҳар қандай эскию янги гоё ва ташаббусларнинг вазифаси халққа хизмат қилишдир, аслида.

Ушбу танлов хотин-қизларнинг фан ва техника, ахборот коммуникация технологиялари йўналишида ўз сўзини айтиши учун майдон вазифасини ўтай олмоқда десак, муболага бўлмайди.

Аёл баҳою зот, шубҳасиз, унинг янгича гоёлари ҳам арзон баҳоланмайди. Янги замоннинг, янгича нигоҳли ёш хотин-қизларига омадлар ёр бўлсин!

Шунингдек, хотин-қизларнинг лойиҳа доирасида ўтказилган ўқув-амалий машғулотларда ҳамда амалиёт давомида эришган натижалари асосида яхши кўрсаткичларни қайд этган иштирокчиларга ўқув курсларини муваффақиятли тугатганлиги ҳақида сертификат берилади.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш истагида бўлган “ITWomenUz” – лойиҳасида иштирок этган хотин-қизларга эса кредит маблағлари ажратилди.

Нигора РАҲМОНОВА



Ахборот технологиялари университети билан ҳамкорликда жорий йилнинг 19 августидан бошлаб “ITWomenUz” – лойиҳаси илк маротаба амалга оширилди. Мазкур лойиҳа Ирода Собирова каби замонавий технологияларга қизиқадиغان кўплаб хотин-қизларни иқодий ҳамкорликка чорлади. Айни пайтда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида 28 минг 323 нафар дастурчи фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг 8 минг 383 нафарини (29,5 фоизини) хотин-қизлар ташкил этди.

“ITWomenUz” – лойиҳасига жорий йилнинг 19 август куни старт берилди ва 160 дан зиёд хотин-қизлар қатнашди.

QORBOVOGA MAKTUBLAR

Болагимизда барчамиз янги йил арафасида қорбобога қорбободан китоб, яна бири-миз турли ўйинчоқлар, ширинлигу ҳатто уй ҳайвонлари сўраганмиз. Мактубларимиз жуда қисқа бўларди. Албатта, бу мактубларда ёзилган орзуларнинг ижобатини янги йил арафасида интиқиб кутганмиз. Боғчада, мактабда баҳоли қудрат қорбобо тилақларимизни амалга оширган-мўъжиза юз берган. Аммо қорбобога ўз дардини айтиб мактуб ёзадиган, ўз изтироблари, кечинмаларини хат ёзиш орқали бўлишадиган инсонлар ҳам орамизда учраб туради. Улар ҳар қандай совғалардан кўра, меҳр ёки соғлик катта баҳолик эканлигини мактублари орқали биз ва сизларга етказмоқчидек гўё...

ОНАМНИ ИНТИҚ КУТАМАН

“Қорбобожон! Сен менинг тилагимни ошира оласанми, йўқми, билмайман. Аммо барибир мўъжизага ишонаман. Мен янги йилни ҳар йили интиқиб кутаман. Шунингдек, бу байрамни жуда ёмон кўраман. Чунки мени меҳрибонлик уйига онам янги йил тонгида ташлаб кетган ва сени кечга янги йил-киришидан олдин олиб кетаман, дея ваъда берган. Мана орадан олти йил ўтди, ёшим ўн тўртда. Ҳар янги йил онамнинг келишини кутаман. Аммо онам келмайди. Бу ерда яратилган шарт-шароит жуда яхши. Тарбиячиларимиз ҳам меҳрибон. Биздан хабар олишга келадиган ҳомийларнинг-ку саноғи йўқ. Айниқса, байрам кунлари меҳрибонлик уйи совға-салом билан тўлиб-тошиб кетади. Аммо, барибир ўз оиланга яшаш яхши бўлса керак, деб ўйлайман. Саккиз ёшимгача менинг ҳам ота-онам бор эди. Дадам ўғай эди. Ўз дадамни эса эслолмайман. Ўғай дадам мени ҳечам чиқиштирамасди. Доимо мен

Онам дадам уйда йўқ пайти мен билан кулишиб гаплашар, мени эркаларди. У ишдан келгач эса тўнини тескари кийиб оларди. Дадам мени бурчакка турғизиб жазолаётганда ёки силталаб уришаётганда онам ошхонага ёки кўчага чиқиб кетарди. Кейин кўзлари қизариб қайтиб келарди. Бу ерга келиб қолмасимдан олдин дадамнинг онамга, ё мени ёки болангни танла деган гапларини тез-тез эшитадиган бўлдим. Шундай пайтларда жуда кўриб кетардим. Мени ҳайдаб юбормасликлари учун яхши бола бўлишга ҳаракат қилардим, барча айтган ишларини астойдил бажарардим. Аммо унинг ҳеч қовоғи очилмасди. Бир куни онамга: “Она, иккаламиз яшайлик, шу одамнинг нимасини яхши кўрасиз?” дедим. Онам бўлса: “Ўз отанг бизни кўчага ҳайдаганида шу одам уйдан жой берган, агар шу киши бўлмаганида биз ҳозир сарсон-саргардонликда юрган бўлардик”, деб жавоб берди. Кейин билишимча, онамнинг икки синглиси ва бир укасини боқиб, уйли-жойли қилиш ҳам ўғай отамнинг зиммасида экан. Хуллас, кунлардан бир куни онамнинг менга укача олиб келишини эшитиб, бирам хурсанд бўлдим. Аммо шу кундан бошлаб отам мендан қутулиш пайига тушди. Ўша мудҳиш кун — она ва бола айриладиган кун янги йилга тўғри келди. Онамнинг этакларига ёпишиб йиғлаганимда: “Мени сабр билан кут ўғлим, сени албатта келиб олиб кетаман”, деди. Ўшандан бери орадан олти йил ўтди. Аммо онам мени бирон марта кўришга ҳам келмади. Балки мени ҳар сафар кўрганида эзилишни хохламагандир. Балки бошқа фарзандларига овуниб мени унутгандир. Тўғри, тоғам ва холаларим ҳар замонда хабар олиб туришади. Аммо улардан онам ҳақида сўрасам ё кўзларини олиб қочишади ёки кўз ёшларини яширишади. Мана янги йил тобора яқинлашиб келмоқда. Мен эса шу кунларда дарвозадан кўз узмай



Бу ерга келиб қолмасимдан олдин дадамнинг онамга “ё мени ёки болангни танла” деган гапларини тез-тез эшитадиган бўлдим. Шундай пайтларда жуда кўриб кетардим. Мени ҳайдаб юбормасликлари учун яхши бола бўлишга ҳаракат қилардим, барча айтган ишларини астойдил бажарардим. Аммо унинг ҳеч қовоғи очилмасди. Бир куни онамга “она, иккаламиз яшайлик, шу одамнинг нимасини яхши кўрасиз”, дедим.

римга тез-тез қираяпти. Нимагадир бошида оппоқ рўмол, эгнида оппоқ кўйлак. Менга кулиб қараб турган бўлади. Атрофда эса қанотчали фаршталар. Мен нимага бир хил туш

пешанада борини кўраман. Айтганча, мен қор билан боғлиқ хотираларимни ёзаётганим. Хуллас, илк марта менга шу хасталик тахисини қўйганида ва онам хўнг-хўнг йиғлаганида ҳам



кўришимни сира тушунмайман. Нима бўлганда ҳам оқлик поклик рамзи. Ҳар гал янги йил яқинлашган сари мени ҳаяжон босади. Агар онам янги йил куни кириб келса мен онамни қандай кутиб оламан. Қучоғига отиламанми ёки... Аммо мени олти йилда бир кўришга келмаган онамни кечира олармиканман? Саволларимнинг чеки йўқ.

Мен янги йилни интиқиб кутяпман. Чунки онам мени янги йил байрами куни олиб кетишга ваъда берган. Ва менга янги йил байрами ҳечам ёқмайди. Чунки мен онажонимни шу байрамда йўқотганман...

Бу йилги янги йил менга омад келтирармикан? Мен барибир онамни интиқлик билан кутавераман.”

Акмал,
Қорақалпоғистон
Республикаси

ҚОР МЕНГА УМИД БАҒИШЛАЙДИ

“Ташқарида оппоқ қор ёғаяпти. Қор ёғишини томоша қила туриб мен сизга мактуб ёзишга қарор қилдим. Чунки менинг жуда кўп хотираларим қор, қиш фасли билан боғлиқ. Қиш фаслида туғилганман. Мен туғилган кечаси роса қор ёққан экан. Мана, ҳозир айни пайтда касалхонадаман. Операцияга олиб кириб кетишаётганда қордан дарак ҳам йўқ эди. Бугун ҳушсизлантирадиган дорининг кучи кетгач, ўзимга келиб деразадан ташқарига қарасам, ҳаммаёқ оппоқ қор. Ҳаёт-мамонт билан олишган одам ўзига келиб атрофидаги оқликни кўрса қанчалар бахтли бўлиб кетишини тасаввур қилиб кўринг-а. Қандли диабет хасталигига чалинганимда ўн икки ёшли қизалоқ эдим. Ўн саккиз йилдан бери шу хасталик билан курашаман. Бу касаллик мени ҳатто юриш бахтидан ҳам мосуво қилди. Қўзларим ҳам хира кўради. Ўлганнинг устига телпан деганларидек кўричагим ёрилиб кетишига озгина қилиб роса қийналдим. Қандли диабет бўлган беморнинг яраси тузалиши ҳам қийин кечаркан. Бу ёғи энди


қиш фасли — атроф оппоқ қор эди. Баъзида ўйлайман: Агар ота-онам арзимаган сабаблар билан жанжаллашавераганда, мен уларнинг бақир-чақирини эшитиб, кўриб ёки сиқилиб кун ўтказмаганимда бу дард менга балодай ёпишиб олмасмиди? (Ўзр, яна касаллигим ҳақидаги ўйларга чалғиб кетдим). Хуллас қор билан боғлиқ яна бир ширин хотира — 15 ёшимда менга анчадан бери ёқтирадиган синфдош йигитнинг қорхат ёзгани. Биринчи қор сабаб у менга кейин жуда кўп мактублар ёзди. Ўша мактубларни ҳалиям сақлайман. Унда оёқларим соппа-соғ эди. Мени яхши кўрадиган ўша синфдошимни ҳарбий хизматга кузатаётганимда ҳаммаёқ оппоқ қорга бурканган. У ҳарбий хизматдан бир йилдан сўнг қайтди. Аммо бу пайтда менинг касаллигим кучайиб, кўпчиликка аён бўлди. Ва мен у билан орани очиб қилишга қарор қилдим. Биз хайрлашаётганда ҳам қор ёғаётганди. Ушанда мен кўз ёшларимни тиёлмаганим. Оппоқ қорлар узун-узун килриқларимга кўни кўзимни очиршига қўймагани. Мана, шунга ҳам ўн йилдан ошди. Лекин бу воқеа, хайрлашув оилари худди кеңагидек едимда. Синфдошим уйланиб икки фарзанднинг отаси бўлди. Аммо туғилган кунимда ва биринчи қор ёққанда менга гул жўнатишни қанда қилмайди. Бирам хурсанд бўлиб кетаман...

Деразадан ташқарига қараб ётиб ўйладим. Ҳар бир инсон мана шундай оппоқ қордан, табиатнинг бетакрор гўзаллигидан бир умрга баҳра олиб яшаш учун соғлиғини асраши, атрофдаги яқинларини авайлаши керак. Беш кунлик дунёда яқин кишилари билан ҳеч ҳам хафалашмасдан, бир-бирининг дилларини оғритмасдан умр кечириш қанчалар соз. Фарзандлари соғлом ва бахтли яшаш учун бир-бирини тушуниб умргазоронлик қилаётган ота-оналар — сизлардан олижаноб одамлар бормикан? Дунё ташвишларидан, хасталиклардан, кўнгилхиралликлардан чарчаган қалбингизга ором бермоқ истайсизми — деразадан ташқарига қаранг поклик рамзи, оппоқ қор ёғаяпти. Қорбобожон, мен истардимки янги йил кечаси ҳам ана шундай ҳаммаёқни қорга буркансанг...”

Зиёда, Қашқадарё вилояти

Мактубларни Барно СУЛТОНОВА
оққа кўчирди.

oilavajamiyat@mail.ru



билан хўмрайиб гаплашар, озгина хато иш қилсам онамга бақириб кетарди. Бунинг сабаби бор эди, албатта. Яъни, мен ўз отамга қуйиб қўйгандек ўхшарканман. Онам мени кўрганида биринчи эри кўз олдига келармиш.

онамни, онажонимни интиқлик билан кутяпман. Ҳатто ўз қўлим билан совға тайёрладим. Тақинчоқларини солиб қўядиган чиройли сандиқча ясадим. Кейинги пайтларда онам тушла-

BAYRAMOLDI YARMARKALARIDA

Мамлакатимизда ҳар бир байрамни кўтаринки кайфиятда кутиб олиш, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаларини ташкил этиш аънанага айланган. Айни кунларда ҳам кўрсатилаётган хизмат сифатини янада юксалтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини аҳолига нисбатан арзон нархларда етказиб бериш мақсадида республиканинг сергавжум бозорларида аънанавий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркалари иш бошлади.

Озиқ-овқат ярмаркалари пойтахтнинг энг йирик бозорлари бўлиши «Қўйлиқ», «Сергели», «Авиасозлар», «Қора-Қамиш», «Наврўз», «Юнусобод», «Бешёғоч», «Аския», «Фарҳод», «Эски жува», «Миробод» ҳамда «Олой» бозорларида ташкил этилган. Унда 42 турдан зиёд чорва, парранда, балиқ, қишлоқ хўжалик ҳамда қандолат маҳсулотлари бозордаги одатий нархлардан нисбатан арзонроқ сотилмоқда.

ЎЗИ АРЗОН БЎЛСА, ЯНА ҚАНЧАГА ТУШИРИШ КЕРАК

Йўлимизни даставвал «Сергели деҳқон бозори» ёнида ташкил этилган ярмаркадан бошладик. Савдо-сотиқ авжида. Деҳқон ва фермер хўжаликларига етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда 30 дан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари «Янги йил ярмаркалари» ва «Элга хизмат – беминат» расталарида аҳолига арзон нархларда сотилмоқда.

– Байрам дастурхони учун маҳсулотларни шу ердан оляпмиз, – дейди ўзини Нодира Эгамбердиева деб таништирган онахон. – Бугун ярмаркадан гўшт, тухум, гуруч ва ёғ харид қилдим. Уларнинг сифати юқори,

NIMA GAP?

нархи анча арзон экан. Нархларни билиб олдим, келиним ишдан қайтган, яна маҳсулотлар харид қиламиз. Ушбу ярмаркалар халқимизга деҳқон ва соҳибкорларнинг ҳақиқий байрам тўхфаси бўлди. Янги йил байрами арафасида давлатимиз томонидан аҳолига яратилаётган бундай қулайликлардан миннатдоримиз.

Онахон билан суҳбатимиз тугамасдан нариги растанинг йўлига қайтган эшитилди. Дикқатимизни жалб қилган воқеага ойдинлик киритдик.

– Бироз пулим камлиги боис, нархларни сал тушириб беринг, деб илтимос қилганим, – дейди йўлдамсизимизга аёл. – Сотувчининг қўп муносабатидан дилим хуфтон бўлди.

Кичик бозормасми, бир зумда одам тўпланиб қолди. Баъзилар харидорнинг ёнини олса, баъзилар сотувчининг ҳақлигини айтишмоқда.

– Ўзи маҳсулотларимиз бозор нархидан анча арзон сотилаётган бўлса, яна қанча нархни тушириш керак, – тушунтиришга ҳаракат қилди сотувчи. – Ана бозор ичига кириб, бир нарх-навони сўраб чиқинг. Расталарда қатъий нархлар ёзилган, ҳар бир харидор яна арзонроқ қилинг деса, албатта, сотувчининг жаҳл чиқади-да.

ТАРОЗИДАН УРМАНГ!

Йўлимизни «Эски жува» бозори томон бурдик. «Чорсу» бозори

да «Ўзбекизоқовқатхолдинг» холдинг компанияси, «Ўздонмаҳсулот» АК «Тошкентдонмаҳсулотлари» АЖ, «Ўзёғмосаноат уюшмаси», «Эски жува» деҳқон бозори, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг арзонлаштирилган маҳсулотлари ярмаркаси, Якка тартибдаги фермерлар ва Қашқадарё вилояти фермерлари томонидан ташкил этилган байрам савдо ярмаркалари ўз маҳсулотлари билан фаол қатнашишмоқда. Бу ерда она заминимизда етиштирилган турли хил озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан аҳолига хизмат кўрсатилмоқда. Байрамолди ярмаркаларида маҳсулотлар нархининг бозорга нисбатан арзонлиги аҳолига манзур бўляпти.

– Ана бозор ичига кириб, бир нарх-навони сўраб чиқинг. Расталарда қатъий нархлар ёзилган, ҳар бир харидор яна арзонроқ қилинг деса, албатта, жаҳл чиқади-да.

– Савдо ярмаркасида озиқ-овқат маҳсулотларининг арзонлиги, ҳамёнбоплигини кўриб жуда қувондим ва харид қилдим, – дейди келеслик Маҳмуд Дониёров. – Бундай савдо ярмаркаларининг ташкил этилиши, аҳолининг дастурхони тўкин-сочин бўлишини таъминлайди. Бир пайтлари байрамлар арафасида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ошиб кетиб, ноқулайлик туғдирар эди. Эндиликда бундай ҳолатларнинг олди олинмоқда. Бундан жуда хурсандимиз.

Савдо ярмаркаларидаги нархларга кўз ташлаймиз. Бир килограмм мол гўшти – 39000 сўм, товуқ гўшти – 22000, балиқ (толостолоб) – 12000 сўм, гуруч – 5500 сўмдан- 12000 сўмгача, тухум (донаси) – 650-750 сўм, 1 кг. картошка 2200 сўм, 1 кг. сабзӣ 2000 сўм, 1 кг. пиёз 1500 сўм, 1 литр писта ёғи 10500, лавлаги – 2500 сўм, шолғом – 2500, турп – 2000 сўм этиб белгиланган.

Энди хўл мевалар нархлари билан қизиқамиз. Чиройли қилиб терилган бир-биридан сархил мевалар кўзни олади. Олма – (голден), 15000 сўм, 1 ки-

лограмм банан – 19000 сўм, киви – 20000 сўм, анор – 10000 сўм, нок – 11000 сўм, мандарин (покистонники) – 12000 сўм, хитойники – 22000 сўм, ананас 35000 сўм.

БИРОВНИНГ ҲАҚИ БУЮРМАЙДИ

Нархлар билан қизиқиб, бир растадаги тортишувнинг ҳам гувоҳига айландик. Маълум бўлишича, харидор олган 2 кг. мандарин бошқа тортизга олиб бориб тортиганида 1 килограмму 700 грамм бўлиб чиққан. Харидор бундан норози бўлиб сотувчига юзланса, меваларни ўзингиз йўлда олиб қўйгансиз, деб тан олмапти.

– Кўзим хира бўлганидан, рақамларга қарамаганим – дейди онахон. – Қўлимга енгилроқ туялди. Бориб гуруч сотувчидан тортиб беришини илтимос қилсам, 300 грамм кам хола, деди. Орқага қайтиб, бўлган воқеани айтсам, ўзингиз йўлда еб қўйгансиз хола, деб жеркиди. Сал чиройлироқ муомала қилса тушунардим, онаси тенги аёлни жеркигани учун мен ҳам қизишиб кетдим. Ёшим бир жойда бўлса, аҳмоқманми алдаб, овора бўлиб. Майли, виждони, инсофини ўзи берсин. Бировнинг ҳақи буюрмайди.

Хола билан тортишув ҳамда Сергелидаги нархни тушириш воқеасидан амин бўлдимки, маҳсулотлар арзон бўлгани билан айрим сотувчиларда биров асабийлик борлиги, тарозидан уриш ҳолатлари кузатилиши дилни хуфтон қилади.

Кузатушимиз давомида, «Олой», «Юнусобод», «Фарҳод» деҳқон бозорларида ташкил этилган савдо ярмаркаларида ҳам бўлди. Баъзи жойларда расталардаги маҳсулотлар бироз униқиб, қорайиб қолгани кўнгилга хижиллик солди.

Бозорга киритилаётган барча турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ветеринария-санитария экспертиза лабораториялари ходимлари томонидан текширувдан ўтказилгач, сотишга рухсат берилса бундан сотувчи манфаатдор, харидор эса миннатдор бўларди албатта.

Кириб келаётган янги йил муносабати билан пойтахтнинг қай гўшасида бўлманг, безатилган ранг-баранг чироқлар беихтиёр қалбингизга илиқлик ва байрамона кайфият улашади.

Бугун замонавий шаҳарлар кўп қаватли бинолари, сершовқин кўчалари, ўзига чорлаётган дўконлари, бозорлари ва истироҳат масканлари билан инсоннинг ҳаёт тарзига, руҳиятига таъсир

OYNADA AKS ETGAN YANGI YIL

этувчи омилга айланган. Айниқса, кўчалардаги савдо дўконлари, ошоналар, рестороанлар деразаларига расм чизаётган йилгит-қизларни кўриб, уларнинг ишларига тасаннолар айтгинг келади. Сергели туманидаги «Диёр» оилавий миллий таомлар ошхонасида янги йил композициясини чизаётган расмонни суҳбатга тортидик.

– Бу усул «Витраж», яъни ойнага расм чизиш санъати нозиклиги билан ажралиб туради, – дейди Фахриддин Сайдуллаев. – Бу санъат сабр-тоқатни талаб қилади. Агар бўёғи кўп ёки кам бўлиб қолса, қайта тузатиб бўлмайди. Биласизми, бундан 5-6 йил илгари бизга буюртмалар кўплаб тушарди. 15 ноябрдан янги йил расмларини чиза бошлардик. Мана 1-2 йилдики, бу санъатга нисбатан талаб камайди. Балки бу ҳозирги кунда замонамиз ривожланиши, янги турдаги



маҳсулотларнинг ишлаб чиқилишига ҳам боғлиқдир. Бугунги кунда кўплай янги йил байрами қаҳрамонлари, қишинг оппоқ қор парчалари сурати туширилган календарлар, сунъий элементлардан кўпроқ фойдаланишяпти. Яхшики, бизнинг кўл меҳнатимизни қадрлайдиганлар ҳам топилади. Барбир кўл меҳнатидан тайёрланган ҳар қандай ижод намуналари бошқача-да.


Ҳақиқатан ҳам шиша ойналарга чизилган тасвирларга қараб, беихтиёр эртақлар оламига тушиб қолгандек бўласиз.

– Суратларни неча пулга чизасиз? – қизиқиб сўрайман расмондан.

– Мижозлардан мана бунча берасан, кв. метри бунча бўлади, деб қатъий нарх белгиламайман. Ижодқорман, чизаётган расмларим кимгадир ёқса, шундан илҳом оламан, завқланаман. Ҳатто баъзида «рахмат» га чизган пайтларим ҳам бўлган.

Расмон ёнидан узоқлашарканман, йўлда утаётган инсонларнинг моҳирона чизилаётган тасвирларга тикилиб, гўёки болалик онларига, эртақлар оламига тушиб қолгандек бўлганини уларнинг кўзларидан уққандек бўламан.

Саҳифани Чарос ДЎСМАТОВА тайёрлади



19 NAFAR MANKUMA OZOD ETILDI

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Аёлга бўлган ҳурмат-эътибор – бу аввало, оилага, жамият келажагига бўлган ҳурмат-эътибор ифодасидир”, деган ғояси асосида юртимизда бугун хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш, оилалар барқарорлигини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда тўлақонли биштирок этишига эришиш, бир сўз билан айтганда, мунис ва мўътабар опасингилларимизни ҳаётдан рози қилишга қаратилган ислохотлар амалга оширилаётир.

Айниқса, инсонпарварлик ва бағрикенгликка йўғрилган сиёсат туфайли турли сабаблар билан тўғри йўлдан адашган, жиноий қилмишларга қўл урган бўлса-да, хатосини тушуниб, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган аёлларга енгиллик берилмоқда. Улар жазодан муддатидан олдин озод қилиниб, оиласи, фарзандлари бағрига қайтарилмоқда.

Бу эзгу ишларни амалга оширишда 2018 йил 20 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ўртасида имзоланган Меморандум муҳим ўрин тутмоқда.

Мазкур Меморандум доирасида жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида жазони 148 нафар аёлга Хотин-қизлар кўмитаси кафилиги асосида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Ушбу эзгу ишларнинг мантиқий давоми тариқасида 2019 йил 19 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий судида ўтказилган очик суд мажлисларида жазони ўташ муассасасида



жазо ўтаётган 19 нафар аёлнинг назорат тартибиде берган шикоят аризаси қўриб чиқилди.

Олий суд раисининг ўринбосари И. Муслимов раислигида ўтган очик суд мажлисларида ҳар бир аёлнинг назорат тартибиде берган аризаси қонун доирасида батафсил қўриб чиқилди. Маҳкума аёлларнинг жазонинг асосий қисмини ўтагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жазони ўташ жараёнида ўзини ижобий жиҳатларини намоён этиб, муассаса раҳбариятининг ташаккурномасини олгани эътиборга олинди.

Суд ажрими билан содир этган жинояти учун тайинланган жазонинг асосий қисмини ўтагани, қилмишига иқрор ва пушаймон бўлгани, ёши ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг кафолат хати инobatта олиниб, 19 нафар аёлга нисбатан тайинланган жазолар қонунда белгиланган тартибда қисқартирилди. Бу аёллар қисқартирилган жазо муддатини ўтаб бўлгани сабабли суд залидан қамоқдан озод этилди ва оиласи бағрига қайтарилди.

Н. Абдураимова, Муҳаммад АМИН (сурат), uza.uz



UMRNING VAHOSI YO‘Q...

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллиги муносабати билан билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган, жазо муддатини ўтаётган 92 нафар фуқаро афв этилди.

Бу билан тўғри йўлга қайтмоқчи бўлган фуқароларга ўз оиласига ва жамиятга қайтиши, ижтимоий мослашиш имконияти берилди. Улар орасида Зарбдор туманида яшовчи юртдошимиз Султонмурод Тошпулов ҳам бор.

Инсон ҳаётида шодлик ва ғам шерик. Йўқотишлар, топишлару ўзликни англаб етиш жараёни умр деб аталмиш ҳаёт йўлларида кишига ошно. Султонмурод Тошпулов пахта заводида турли лавозимларда меҳнат қилди. Зарбдор пахта тозалаш очик акциядорлик жамиятида 1995 йилдан, корхона очилгандан бошлаб то 2007 йилгача, 14 йил давомида ишлади. Ўз касбини яхши кўрди, сабаби унга осонликча эришмаган эди...

У болаликдан етимликнинг қаттиқ нонини еб, машаққатларини бошдан кечириб катта бўлди. Отаси 12 ёшида вафот этгач, ўз кунини ўзи кўриши учун олдинга интилди. Андижон пахтачилик институтида сирдан ўқиди, агрономликни касб этди. Амалнинг кетидан қувмади, умрини пахта далаларида ўтказди, бир неча ҳўжаликларда

бригадир бўлиб фаолият юритди.

Акциядорлик жамиятида раис бўлиб ишлаётган пайтида заводни қайта реконструкция қилди, янгилади. Ҳаммаси бир маромада, силлиқ кетаётгандек эди, аммо 2007 йилги пахта ҳосилида чалкашликлар юз бергач, аҳвол мушкуллашди. Пахта кўрсаткичларида камомад аниқланди, хатога йўл қўйилди.

– Кечаю кундуз ишлар эдик, – хотирлайди Султонмурод ака. – Чарчоқ ҳолатда эътиборсизлик қилганимиз. Уша пайтда, балки бор имконимиз билан ҳаракат қилганимизда бу хатоликларга йўл қўймаган бўлармик...

У 11 йилу бир ярим ой яқинларидан узоқда яшади, маҳкумлиқнинг оғир кунларини бошдан кечирди. Аёли беш нафар ёш боласи билан бўзлаб қолаверди... У узукун тезроқ бор ердан чиқишни, фарзандларининг тарбияси билан шуғулланишни истарди. Уларнинг ёмон кишиларга қўшилиб қолмаслиги, эгри йўлга кириб кетмаслигини ўйлаб, хаёли тинчимасди. Озодликнинг энг катта неъмат эканини англади, қайта хатога йўл қўймаслик,

етти марта эмас, етмиш марта ўлчаб кесиш ҳаётнинг қонунларидан бири эканини тушунди. Эътиборсизлиги учун чин дилдан пушаймон бўлди.

– Хато қилганимдан қаттиқ пушаймон еганман. У ердан тезроқ чиқишни истаганман... Президентимизга, ҳукуватимизга раҳмат, бизни афв этдилар. 5 йил муддатидан илгари озод қилишди, болаларимизнинг бахтига соғ-саломат келдик. Йўқса, жуда қийналган бўлардик, кун санаб...

Шўқрки, ортда қолди ҳаммаси. Энди болаларим, невараларимнинг тарбияси билан шуғулланаман... Худода шукур, болаларим ҳаётда адашишмади. Уларга раҳмат, қийналиб бўлса ҳам менсиз ўзлари ҳаракат қилиб яшади. Катта ўғлим Тошкент иқтисодиёт университетининг бухгалтерия факультетини қизил диплом билан битирганди, эндигина уйли-жойли қилгандим. Уша йилги ишга кира олмай қийналди. Ҳозиргача ҳам ишга ўтолмаганди.


Уйига қайтгач, ундан туманнинг янги ҳокими, ИИБ бошлиғи ва молия бошқармаси бошлиқлари ҳол сўрагани боришди. Уй эгалари уларни кўриб, қувонгандан ўзларини қўйгани жой тополмай қолишди. Ҳоким унинг жамиятда ўз ўринини топиши учун керакли имкониятлар мавжудлигини таъкидлади. Ўртимиздаги ўзгаришларга ўз ҳиссасини қўшишга чақирди.

– Ташрифдан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Ҳаммаларига раҳмат... Бу Юртбошимиз қилган бағрикенгликнинг туман раҳбарлари миқёсидаги яна бир намунаси, нишонасидир. Улар мендан нима муаммоларингиз бор, деб сўрашди. Энди нафақа ёшига етдим, турмушга берадиган талаба қизим, уйлантирадиган ўғлим бор. Ҳисобчи ўғлимга иш сўрагандим, сидқидилдан ёрдан берамиз, сизга ҳам иш топилади, деб хурсанд қилишди.

– Ҳаётда бир адашдик, етарли бўлди. Ҳамюртларимиздан илоҳи беша, ҳаётда бир мартаям хато қилмасликларини сўрайман. 50 ёшда кириб у ердан 61 ёшимда чиқиб турибман... Умр қайтиб келмайди, унинг нарх-навоси ҳам йўқ...

Холниса РАҲМОНҚУЛОВА
суҳбатлашди.





Sadriddin Ayniy bir kuni...

КУЁВ ОРТИҚЧА

Садриддин Айнйи ўзбек ва тожик адабиёти равнақиға салмоқли ҳисса қўшган атоқли ёзувчи эди. Замондошларининг хотирасига кўра, адиб ҳаётда ўзининг машхур қахрамони, хасислик тимсоли Қори Ишқамбага ҳам озроқ ўхшаб кетаркан.

Кунлардан бир кун Айнйи домла қизини турмушга чиқаради. Тўй ихчамгина, ортиқча дабдабасиз, камтарона ўтади. Орадан кўп ўтмай қудалар томондан бир вакил келиб ёзувчи билан музокара бошлайди.

— Домла, сиз қудалар билан куёв қақирди қилмасликка келишган экансиз. Лекин куёвбола бунга рози бўлмапти. Ҳамма жўралари куёв қақирди қилишган экан. Улар олдида уялиб қоламан деяпти. Шунга сиз нима дейсиз?

Айнйи узок уйлангач, ахйирй ён бериб, таклифга кўнади.

— Майли, розиман. Куёвни

— Ҳўп бўлади, домла, бу ёғидан хотиржам бўлинг.

Ниҳоят, белгиланган кун куёв томондан жўралар келишади. Домланинг ўзи меҳмонларни останада кутиб олиб, биттадан, худди кўй санагандек санаб ўтказа бошлайди. Жўралар ўн битта экан, домла келишувга биноан охириги — ортиқча меҳмонни ичкарига қўймайди. Кейин меҳмонлар ўтирган хонага кириб мундоқ қараса, куёвўрага тайёрланган махсус жой бўш турганимиш. Маълум бўлишича, кўчада қолган йигит куёв экан.

КАЛИШИ ҚЎЛИДА

Айнйи домла маълум муддат Самарқанд Давлат дорилфундунида маъруза ўқиган эдилар. Эскича ва янгича илмларни обдон омухта қилган устознинг дарсларига қизиқиш катта бўлган.

Кунлардан бир кун устоз эрталаб ишга шошилич жўнаб кетади. Уйда

га хожат йўқ.

— Унда нега...

— Фаромушлик курсин, қизим. Регистонга етганимда уйда чироқнинг ёниқ қолгани эсимга тушиб қолди. Сиз ҳам ўчирмай дарсга кетиб қолсангиз, беҳуда ёниб қолмасин деб қайтиб келдим.

— Вой падаржон — эй, арзиманган электр ҳақини тежайман дебсиз-у шунча йўлни қайта босиб, қалишнингиз ейилишини ўйламабсиз-да!

— Аноий эмасман, қизим, — дебди домла. — Калишимни ечиб олганман. Мана, қўлимда турибди.

“ТАСАННО”

Айнйи домла шўро раҳбарларининг миллий меросга, табаррук қадамжоларга эътиборсизлиги, гоҳо шафқатсизлигидан қаттиқ азият чекиб юрган. Бу борада улар билан кўп тортишган. Кунлардан бир кун устоз Абу Али ибн Сино тузилган қишлоққа келиб, машхур табиб дафн этилган тепаликни аниқламоқчи бўлади. Шунда бу ердаги вайроналарни кўриб тутатиб кетади. Вилоят раҳбарига иддао қилади:


— Биз минг йил аввал ўтган Ибн Синонинг ҳоқоқини излаб юрибмиз. Ахир яқиндагина ўтган Мушфиқийнинг қабри бузиб ташланибди-ку! Бу қандоқ разолат? Ҳазрати Нуробод қабристони бузилгани етмасмиди? Мадрасаи Хуржун қани? Ҳовузи Гавкушон қани? Саройи баррас-чи?... Қанчадан-қанча мадрасалар, мачитлар аёвсиз яқсон қилинди. Эссиз... Бухороий шарифнинг бойқушхонадан фарқи қолмабди-ку!

Устознинг куйини айтган сўзларини оғриниб тинглаган раҳбар эътироз билдиради:

— Ўртоқ Садриддин Саидмуродович! Намунча ўтмишни қўмасангиз? Сиз ўша ўзимиз билган пролетар ёзувчисисиз ёки?..

— Э, бизни пролетар ёзувчиси қилган ўша замонга минг...“тасанно”!

Устоз бу сўзни алам устида айтган, асломда ўша замонга “Минг лаънат!” демоқчи эди...



«ЧУЖИТ»НИ БИЛМАСА-ДА...

Ўтган асрнинг 30-йилларида Самарқанд шаҳрида ижодкор зиёлиларнинг йиғини бўлади. Анжуманда таниқли олимлар, раҳбарлар қатнашади. Рус олимларидан бири сюжет ва композиция масаласи юзасидан катта маъруза ўқийди. Ўрис тилида қилинган маърузадан ҳеч нарса тушунмаган Айнйи домла сўзга чиқиб, шундай дейди.

— Муҳтарам олимимизнинг маърузаларини яхши илғай олмадим. Чужит, чужит (сюжет) дейилди, аммо мен “Дохунда” ва “Қуллар” романимни чужитни билмай ёзганман.

ЁЗИШГА ҚАЕР ҚУЛАЙ?

Кунлардан бир кун Садриддин Айнйи уйидаги иссиқ сандалда ўтириб “Эсдалиқлар” деб аталган машхур асарининг охири бобларини ёзаётган эди, устодни йўқлаб икки—учта ёш ёзувчилар келади. Устод уларни хурсанд бўлиб қаршилади. Меҳмонлар сандалнинг бир четига омонатгина, сиқилиброқ ўтирадилар. Сандал устидаги мўъжаз дастурхон бир зумда нозу неъматлар билан тўлади. Ёзувчилардан бири устоднинг ижодхонасини энаси қотиброқ кўздан кечиргач, беписанд оҳанда гап қотади:

— Устод, сиз катта адибсиз, академик деган унвонингиз ҳам бор. Сал замонга мослашиб, стол, стул, кресло олиб ёзсангиз бўлмайди? Шунда ишингиз ҳам унумли бўлади.

Устод бу маслаҳатни эшитиб жилмайиб қўйди, бироз сукут сақлаб турган, секин жавоб қилди:

— Мен “Ишқамба”, “Дохунда”, “Қуллар”, “Одина”, “Эсдалиқлар” каби асарларимнинг ҳаммасини мана шу сандалда ўтириб ёзганман. Сиз столу креслода ўтириб нима ёздингиз?

Олифта ёзувчи устодга ўринсиз маслаҳат берганини англаб, мулзам бўлди.



пайғамбарлар сийлаган. Аммо битта шартим бор.— дейди.

— Қандай шарт экан?

— Мен фақат ўнта одамга тайёргарлик кўраман, шуни айтиб қўясиз.

ёлғиз қизлари Холида қолади. Орадан кўп ўтмай домла уйга қайтиб келади.

— Тинчликми, отажон? — қизи хавотирланиб сўрайди.

— Тинчлик, болам, тинчлик, хавотир-

НАВОЙНИ БОШЛАБ КЕЛДИ

Ғафур Ғулумнинг яқин бир оғайниси фалакнинг гардиши билан водийдаги чекка бир колхозга раис бўлиб қолади. Янги раис ҳовлиқиб Ғафур Ғулумни бир неча шоирлар билан учрашувга таклиф қилади.

— Устозимиз Алишер Навоийни ҳам учрашувга олиб бораман, — дейди Ғафур ака жиддий алфозда. Умрида биронта китоб ўқимаган раис “Яхши бўларди, олиб келавер”, дейди.

Хуллас, ўша — айтилган кун дала шийпониди казо-казо шоирлар билан учрашув бўлади. Раис йилганларга мурожаат қилади:

— Бугун машхур шоиримиз Ғафур Ғулум ўзининг устози Алишер Навоий билан хузуримизга ташриф буюрдилар. Хуш келибсизлар, азиз меҳмонлар!

Раис сўзини мухтасар қилиб, Ғафур Ғулумнинг ёнидаги тўн кийган, ихчамгина саллал, кичкинагина чолга ишора қилади. Шунда Ғафур Ғулум ўзини тутолмай қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборади. Раис талмовсираб қолади.

oilavajamiyat@mail.ru

G'afur G'ulom bir kuni...

— Эҳ, ўқимаган! — дейди шоир кулимсираб. — Ахир Навоий ҳазратлари бундан беш юз йил олдин яшаб ўтганлар — ку!

Раис ҳангу манг бўлиб қолади. Йиғилганлар қийқириб, роса қарсақ чалишади.

Ғафур ака тўн кийган меҳмонни йиғилганларга таништиради:

— Бу киши Навоий эмас, халқимизнинг суюкли шоири Ҳабибий домла бўладилар!

— Ана холос! — дейди раис кекса шоирдан кўз узолмай. — Туришлари, кўринишлари худди Навоийнинг

ўзи-я! Тавба! Одам одамга шунчалик ўхшайдими?!..

ЁЗМАСА БЎЛДИ

Ғафур Ғулум бемаза шеърлари билан ҳаммини, айниқса, тахририят ходимларини безор қилиб юрадиган бир шоирни кўчада учратиб, дангал сўрайди:

— Менга қара, ука, шу шеърларингга бир ойда қанча қалам ҳақи оласан?

— Кўп эмас, юз сўм атрофида, Ғафур ака.

— Агар мутлақо бошқа шеър ёзмасликка сўз берсанг, ўзим сенга ойига икки юз сўмдан бериб тураман. Келишдикми?..

Шоир тушмагур хижолатдан бир замбил лой бўлиб қолади.

ЁРДАМГА КИМ МУҲТОЖ?

Кунлардан бир кун Ғафур Ғулум “Шарқ юлдузи” журнали тахририятга бориб, ёш бир шоирнинг шеърларини топширибди.

— Менга юборибди, яхши шеърлар экан. Журналда берворинглар.

— Сизни овора қилмай, тахририятга юборса ҳам бўларди, — дебди бош муҳаррир Асқад Мухтор.

— Йўқ, — дейди Ғафур Ғулум. — Истеъдодли болаларга ёрдам бериш керак, истеъдодсизлар ўзлари ёриб ўтаверади.

ШОДМОН ОТАБЕК





SHIN DONGYOP ADABIYOT UYIDA BOG'LANGAN RISHTALAR

“Ўзбекистон Президенти Мирзиёев” китобининг муаллифи жаноб Чо Чол Хён Корея Республикасининг Пуё туманидаги Шин Донгёп адабиёт уйи жамоасига: “Бу йил ўзбекистонлик ёзувчини ҳам чақирайлик”, деган таклиф билан чиқади. Жамоа бу ташаббусни қўллаб-қувватлади. Мақсад корейлик адибларни ўзбек адабиёти билан таништириш, ўзбек ёзувчисига Корея адабиётини танитиш.

“Uz Kor media group” компанияси муҳаррири Чо Чол Хён билан ҳамкорлик қилиб келаётган Халқаро пресс-клуб раҳбари Шерзодхон Қудратхўжаев тавсиясига кўра, ушбу дастурда қатнашиш Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг матбуот котиби, “O'zbekiston-24” телеканали муҳаррири Фозил Фарҳодга насиб қилди. У 2019 йилнинг 13-15 декабрь кунлари Корея Республикасида бўлди ва Шин Донгёп адабиёт уйида корейликларга ўзбек адабиёти ҳақида маъруза қилди. Ўзбек-корейс адабий алоқаларини янада мустақамлашда дадил қадам ташлаган ёзувчи Фозил Фарҳод билан суҳбатлашдик.

– **Фозилжон, Кореяга бўлган сафарингиз акс этган суратларингизни**

ижтимоий тармоқдаги саҳифангиз орқали кузатиб бордик. Суҳбатимиз аввалда ушбу сафарни ташкиллаштирган Шин Донгёп адабиёт уйи ҳақида айтиб ўтсангиз...

– 13 декабрь куни Корея вақти билан соат 9:20да Инчюн аэропортига кўндик. Мени ношир, жаноб Шин Гванг Су кутиб олди. Таржимон қизимиз Гулшан келгач, биз аэропортнинг кутиш залидан пастки қаватга тушдик. У ер машиналар тўхташ жойи – “парковка” экан. Ишонасизми, ҳайратим ўша ердан бошланди. Кимнидир кутишга келган одам машинаси билан тўри аэропортнинг ичкарасига кириб келаверар экан. Одамлар учун максимум даражада қулайлик яратилган. Айтишларича, узокроқ сафарга кетаётган кишилар ҳам машинасини бу ерда бемалол қолдириб кетиши мумкин экан: хавфсиз “стойанка”. Аэропортдан узоклашарканмиз, унинг ўзи катта шаҳарни эслатишини англадим.

Шин Донгёп адабиёт уйида бизни ёзувчи Чо Чол Хён кутиб олди. Бир пиёла олмали чой ичганимиздан сўнг, бизга Пуё туманининг ўрнида 1600 йил аввал мавжуд бўлган Пек Чи қироллиги ҳақида маълумот беришди. Япон маданиятини ўлаштирган қироллик жуда узок йиллар давомида ўша ҳудудда ҳукмронлик қилади. Афсуски, қиролликнинг саройи ва улар фойдаланган буюмлар бизнинг кунларгача етиб келмаган.

Сафаримизнинг иккинчи куни шоир Шин Донгёп тугилиб яшаган уй, фойдаланган буюмлар, унинг ҳаёти ва ижоди билан танишдик. У 1930 йилда



тутилган. Кўпчилик шоирлар қишлоқда туғилиб, шаҳарга кетиб ижод қилишади. Аммо Шин Донгёп тугилганидан то умрининг сўнгигача Пуёда яшайди. У диктатурага қарши бўлгани учун ҳам кўп тазйиқларга учраган. Айниқса, унинг “Йўқол, пўчок!” деган шеъри халқ орасида жуда машхур. Яъни у ўз даврининг диктаторларини пўчоққа ўхшатган ва уларнинг ҳокимиятдан кетишини истаган.

Шин Донгёп умри давомида битта китоб чиқарган. Қолган китоблари ўлимидан сўнг дунё юзини кўрган. Шоир 1969 йилда жигар саратони билан вафот этди. Мана, ордан неча йил ўтиб, шоир орзу қилган кунлар келди, Корея ҳокимиятидан диктатура йўқ бўлиб, инсон ҳуқуқлари асосланган халқ ҳокимияти ўрнатилди.

– **Ўзбек адабиёти ҳақида қилган маърузангиз тингловчиларда қандай таассурот қолдирди? Улар қайси ўзбек адибларини яхши билишар экан?**

– Чо Чол Хён Алишер Навоий ва Абдулла Ориповлар ҳақида яхши билишини айтганида хурсанд бўлдим. Бироқ бошқа ижодкорлар ўзбек адабиёти борасида умуман тасаввурга эга эмас экан. Маърузамни Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ маълумотлардан бошладим.

Сўз мулкнинг султони ўз асарларида 28 мингдан ортқ сўздан фойдаланганини, у адабиётдан ташқари, астрономия, мусиқа, табобат, луғатшунослик, ўқ отиш санъати, адабиёт назарияси, зоология, расомлик, билан ҳам шугулланганини таъкидлаб ўтдим. Навоий бобомиз асарларида башоратчилик хусусиятлари борлигини, XIX-XX асрларига келиб кашф этилган техника, технологияларни у бир неча аср олдин ўз асарларида акс эттирилганини борасидаги сўзларимни корейлик ижодкорлар зўр қизиқиш билан тинглашди.

Шунингдек, маърузамда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Абдул-

ла Қаҳҳор, Шукур Холмирзаев, Тоғай Мурод, Мурод муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам каби устоз адибларимизнинг ижодига алоҳида тўхталиб ўтдим.

Корейлик олима Инг Кионг О хоним ўзбек ёзувчиси Собир Унарнинг ҳикояларини корейс тилига таржима қилгани ва бу ҳикоялар Корея Республикаси журналларида чоп этилгани бизга ўзгача руҳият бахш этгани ҳақида айтганимда, Чо Чол Хён жаноблари адабий алоқаларини янада ривожлантиришда таржима катта аҳамият касб этишини таъкидлаб, бу борада йўлга қўйладиган лойиҳада фаол бўлишимни илтимос қилди.

– **Кўчалар ва хиёбонларни кезганингизда сизни нималар ҳайратга солди?**

– Кореядаги шаҳарлар жудаям чиройли. Кўчалар раvon. Кўп нарса замонавий, қулайлашган, электрон шаклга ўтиб кетган. Йўлақдан юриб кетаётганингизда чироқ ёнади-да, ўтиб бўлганингиздан сўнг ўз-ўзидан ўчиб қолаверади. Тежамкорликни қаранг!..

Журналист сифатида мени қувонтирган нарса шуки, “Hilton” меҳмонхонасига ўхшаш улкан бир бинонинг ўзида биттагина газетанинг таҳририяти жойлашган экан. Кўча-кўйда одамларнинг газета-журналларга бўлган эътибори ва қизиқиши ҳам биздагидан анча кучли. Ҳатто бир газетанинг махсус телеканали ҳам ташкил этилганлиги ҳайратимни янада оширди.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Оилада аёл ва фарзанд ҳуқуқи жуда яхши ҳимояланган. Агар кимдир кўчага чиқиб боласини урса, ўша заҳоти уни жиноий жавобгарликка тортиб, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиб юборишади. Аёл ҳуқуқи ҳар томонлама ҳимоя қилинганлиги боис, эр-каклар оила қуришга тайёр бўлмагунча уйланмай юраверишади.

Кўплаб ота-оналари бир нарса, фарзандларининг бутун умр бетон деворда яшаб ўтиб кетиши ташвишга солар экан. Наҳотки, болаларимиз тупроқ кўчани кечиб ўйнамайди, кечалари осмонга қараб юлдуз санамайди, дейишганида мен ҳам уйланиб қолдим. Ахир, чиндан ҳам бу ҳолат аста-секинлик билан инсон руҳиятига ҳам ўз таъсирини ўтказди-ку.

– **Корейликларнинг ўз она тилига бўлган муносабатига ҳам эътибор**

бердингизми? Уларда хорижий тилларга бўлган муносабат қандай?

– Мени хурсанд қилган томони шундаки, Кореяда инглиз ёки биронта хориж тили бирламчи эмас, биринчи ўринда корейс тили туради. Кўчалар, аэропорт ва вокзалларда барча эслатмалар ва маълумотлар корейс тилида ёзилган. Сайёҳлар учун инглизча варианты ҳам бор. Чо Чол Хён билан метрога тушганимизда қарасам, барча йўналишлар ҳақида корейс, инглиз, хитой ва япон тилларида ёзилган экан. Шунда ҳамроҳим менга: “Кореяда ўқийтган талабалар ичида ўзбеклар 4-ўринда туради. Шундай экан метромиздаги бешинчи тил ўзбек тили бўлиши керак. Бунинг учун сиз ва мен астойдил ҳаракат қилишимиз зарур!” – деди. Бу фикр менга ҳам ёқди. Чунки Кореяда нафақат хориждан келиб ўқийтган талабаларга, балки ишчиларга ҳам ўзгача ҳурмат билан муносабатда бўлишар, яъни корейликларга ҳам, чет элдан келган ишчиларга ҳам бир хил ойлик тўланади. Яна бир корейликларга ҳавас қилган томоним, улар ўз ҳуқуқларини жуда яхши билишади. Ҳокимлар халқ томонидан сайланади. Ишонсалардаги бошлиқ ва хизматчи муносабатини кўрсангиз, ҳайрон қоласиз. Дейлик, бошлиқ ўз ходимининг елкасига қўлини қўйиб гапириш ҳам журъат қилолмайди. Чунки бу нарса ходимга ёқмас, ҳўжайинини судга бериб қаматиб юбориши мумкин. Дарвоқе, метродаги яна бир ажойиб ҳолат шуки, унинг ойнаванд эшикларига корейс шоирларининг энг гўзал шеърларини ёзиб қўйишган.

– **2020 йил остонасида турибми. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг матбуот котиби сифатида келгусида қандай янги лойиҳаларни амалга ошириш ниятдасиз?**

– Кореяга бўлган сафарим давомида шуни англадимки, барча ижодий лойиҳаларни биргина Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидан кутиш тўғри эмас. Бизда ҳам нафақат шоир этган, балки айна пайтада яшаётган ва ёзувчиларимизнинг адабиёт уйлари кўпайтиришимиз зарур экан. Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтсам, танқили ёзувчиларнинг уй-музейларига одамларимиз фақатгина томоша қилиш учун боришади, аксинча ушбу музейлар жонли адабиёт уйларига айланиши керак. Эсингизда бўлса, бир йили фаол ижодкор Аъзам Обид ўз ижод уйини ташкил қилиш ҳақида хат билан чиққан эди. Менинг фикримча, бу каби таклифларни қўллаб-қувватлашимиз керак. Келгуси йилда бу борадаги лойиҳаларини ҳам ишлаб чиқмоқчиман. Шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида медиа марказ ташкил қилиш ниятдаммиз.

Келгуси йилда нафақат ёш ижодкорларнинг биринчи китоблари, балки катта ижодкорларнинг эътиборига молик янги асарлари “Ихчам китоблар” руқнида чоп этилади.

Ҳа, Фозил Фарҳод таъкидлаганидек, айна замонамиз ҳар бир ижодкордан тинимсиз фикрлашни ва жасоратни талаб қилади. Янги лойиҳаларни биргина уюшмадан кутиб ўтирадиган эмас, балки ўз фикримиз, изланишларимиз ва таклифларимиз билан жаҳон адабий майдонига чиқадиған даврда яшаймиз. Келаётган йил бизнинг ана шу эзгу мақсадларимиз рўёби учун катта бир имконларни тақдим этса, ажаб эмас!..

Мухтасар ТОЖИМАТОВА
суҳбатлашди.



Актёр ўзи ўйнаган роллардан қониқдимми, бу унинг тўхтагани, ёки энди юқорилай олмайман, дегани. Балки ўйнаган ролларимдан қайси маънода қониқарман, лекин уларни янада яхшироқ, таъсирчан ўйнашга, устозлар назарини қозониш ва томошабинлар қалбига кириб боришини хоҳлайман

Nigina Anorboeva:

SAN'AT O'ZLIGIMNI ANGLASHNI O'RGATDI

Бугунги техника асрида қайсидир соҳанинг бошини тутиб, одамларни лол қолдириш жуда мушкул. Айниқса, санъат соҳасида кўпнинг ичида "ярақ" этиб кўзга ташланиш санъаткордан катта истеъдод ва изланиш талаб қилади. Ахир санъат йўли ўзига хос машаққатли ва синовларга тўла. Кимдир буларга бардош беролмаса ёки манзилни яхши билмаса аро йўлда қолиши, шубҳасиз. Манзилга етиб бориш учун эса ана ўша йўлларнинг чангини ютишга ҳам тайёр бўлиш зарур.

Замон билан ҳамнафас ижод қилиб, тенгдошларига намуна кўрсатаётган, театр ва кино санъати оламидаги рангбаранг роллари билан томошабинлар эътирофига сазовор бўлаётган актриса Нигина Анорбоева ана шундай изланувчан санъаткорлардан. Янги 2020 йилни кутиб олиш арафасида Нигинани тахририятга таклиф этиб, мухлисари-мизни қизиқтирган саволларга жавоб олди.

— Устозларимиз санъаткорнинг ҳаётдаги асосий вазифаси маърифат, маънавият ва яхшилиқни тарғиб қилишдир, дея бежиз таъкидлашмаган. Сиз ўзингизга юклатилган масъулиятни қандай ҳис қиламиз?

— Ҳақиқатан ҳам санъаткорнинг нафақат ўзининг бой ижоди ёки изланишлари, шахсий ҳаёти билан ҳам доимо омма ва томошабинларнинг эътиборида бўлишини унутмаслигимиз керак. Чунки халқ бизнинг ибрат бўладиган ва баъзи йўлдан адашганларга сабоқ бўладиган асарлар, ўйнаган ролларимиздаги таъсирчан, ақли сўзлардан кераклисини ўзларига қабул қиладилар, ҳатто тақлид қилиб, ўзлаштириб оладилар. Шу боис санъаткорнинг ҳар соҳада таваққури кенг ҳам бўлгани, шахсий ҳаётида ҳам оммага ўрнак бўла оладиган позициясини сақлаб олиши жуда муҳимдир.

— Санъат соҳасига кириб келишингизга нималар сабаб бўлган?

— Аслида жуда кичик ёшимдан телевидениеда "Болалигим-подшолигим" кўрсатувини олиб борганман. Уқувчилик давридаёқ ўртоқларим билан болаларни йиғиб, матолардан сахна ясаб, безаб, ҳали ғўр ва пишмаган орзу-истакларим билан театр қўйиб, ўзимча роллар ўйнаганман. Мактабдаги байрам тадбирларида бошловчилик қилиш, кўшиқ куйлаш, сахна асарлари қўйилганда театр сахнасида бўлганим менга қанот бағишлаб, парвозга шайлаган. Айниқса, бувим (раҳматли) мени доимо театр сахнасида кўришни, шу соҳада ўқишимни хоҳлаган. Отанам, бувимнинг қўллаб-қувватлаши, санъаткорлар Ҳасан ва Хусан Солиҳовнинг турткиси билан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг актёрлик бўлимига ҳужжат топширдим, синов имтиҳонларидан ўтиб, талаба бўлганман.

— Олий ўқув масканидаги таҳсил жараёнларида сиз назариёт ва амалиётдан нималарни ўрганиб, нималарни фарқладдингиз?

— Мен олий таълим масканида актёрлик йўналишида таҳсил олганим учун амалиёт биринчи ўринда туришини ҳис этдим. Лекин бу дегани, актёр учун математика ёки география фани керак эмас, дегани эмас. Чунки актёр ҳар қандай шароитда, ҳар хил йўналишда, ҳар хил касбда, кўринишда, ҳар хил санъаткорлар билан роль ўйнайди. Ҳатто таниқли санъаткорлар билан ҳам. Демак, мен ҳар қандай мавзуда ёки соҳада профессионал даражада ўзимни намоён қилиб, роль ўйнай олишим, томошабиннинг онгида, қалбига яратган образларим билан из қолдира олишим муҳимдир. Таҳсил жараёнларида хоҳ амалиёт, хоҳ назариёт пайтида бўлсин, мен сахна маданияти-

ни, эшитишни, устозлар ўғитига қулоқ тутишни ва уларга муносиб бўлишни, ақлни, зехнни, фаросатни чархлаб бориш кераклигини ўргандим ва уларни бир-биридан фарқладим.

— Айни пайтда, ўзингиз ўйнаётган роллардан кўнглингиз тўлаптими?

— Албатта, "ҳа" дея олмайман. Чунки актёр ўзи ўйнаган роллардан қониқдимми, бу унинг тўхтагани, ёки энди юқорилай олмайман, дегани. Балки ўйнаган ролларимдан қайси маънода қониқарман, лекин уларни янада яхшироқ, таъсирчан ўйнашга, устозлар назарини қозониш ва томошабинлар қалбига кириб боришини хоҳлайман.

Бунинг учун актёр тинимсиз меҳнат қилиши, изланиши ва яна изланиши лозим.

— Сизга театр нималарни берди?

— Аввало, театр менга иш ва севган касбимни берди, устозларни ҳурмат қилишни ўргатди. Ўзлимни англашни, севишни ўргатди. Бунинг учун мен Ўзбек Миллий академик драма театри раҳбарияти ва аҳил жамоасидан, санъат фидойилари ва касбдошларимдан миннатдорман. Театр менга жамоа билан ишлашни, психолог бўлишни, Турғун Азизов, Ёқуб Аҳмедов, Эркин Комилов, Тўти Юсупова, Рихси Иброҳимова, Теша Мўминов, Фатхулла Маъсудов каби санъат фидойилари билан ишлашни, уларнинг ишончини оқлашни, масъулиятни ҳис этишни, изланишни ва томошабинларнинг зийрак нигоҳларини англашни ўргатди, десам муболаға эмас.

— Бугунги санъаткор ёшлар ҳақидаги фикрингиз?

— Афсуски, санъат оламида, айниқса, кино санъатида олий таҳсил кўрмаган бўлса-да, ўзини кинога ураётганлар кўпайиб кетган. Иқтидори бўлса яхши-ку, аммо ҳозирда ишланаётган баъзи киноларнинг саъз чиқишига енгил-елли ролларда чиқиб, шевани бузиб талқин қилаётган, сўз маданиятида чегарадан

чиқиб кетиш кабилар кинода профессионал актёр ўйнамаётганини ошкор этиб қўймоқда. Баъзан олийгоҳда таҳсил олган бўлса-да, ўз устида меҳнат қилмайдиганлар ҳам учрайдики, улар кун келиб сахнани тарк этадилар. Чунки давр билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўла олмаслик уларни шунга мажбур этади.

Театр санъатида бундай ҳодиса учрамайди. Чунки театр тақрорий сахна ва у бир мартанинг ўзида актёрнинг санъатини баҳолаб, унинг қандай ролга муносиб эканлигини саралаб беради.

— Бугун китобхонлик маданиятини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Китобни севаисизми?

— Китобсиз тарихимизни, машхур ёзувчи ва шоирларимизнинг асарларини ўқимай, билмай, ичида ўзининг борлигини ҳис этмай, актёр бўлиш мумкин эмас.

Ахир ҳар бир сахна асарлари, роллар ана шу маънавият дурдоналаридан юрагимизга оқиб киради-ку. Бўш вақтим қолди дегунча, сумкачамда доимо соли юрадиган бирор асарни ўқишга киришаман. Китоб менинг доимий ҳамроҳим.

— Оила жамиятнинг асоси ҳисобланади. Ўз оилангиз ҳақида маълумот берсангиз?

— Оила муқаддас ва у бир улмик ҳаёт. Аллоҳга шукрки, яхши оилга турмушга чиққанман. Турмуш ўртоғим, қайнота-қайнонам санъат соҳаси одамлари бўлмаса-да, мени яхши тушунишади. Мен оиламга ҳам, ишимга ҳам белгиланган вақтида улгуришга, икки томонни баробар олиб боришга ҳаракат қиламан. Орзуим, келажакда оилга муносиб келин, садақатли ёр ва бўлажак фарзандларимга меҳрибон она бўлишдир.

— Янги йил олди халқимизга, ёшларга тилакларингиз.

— Дунёда тинчликдек улуг неъмат йўқ. Ўзбекистонимизда тинчлик ва осоишталлик абадий бўлишини истайман. Бунинг учун мен, сиз, улар барчамиз бирга ҳаракат қилмоғимиз зарур. Ёшларга эса меҳнат ва изланишлар орқали юқори марраларни эгаллаб, юртга муносиб фарзанд бўлишларини тилайман.

Марям АҲМЕДОВА
сўхбатлашди

QAYERDA, QANDAY KUTIB OLINADI?

Оппоқ қорға бурканган ўрмон бағридан чиқиб келадиган Қорбобо ва Қорқиздан кўнгил уза олмай катта бўлиб қолган болаларимиз ҳаммамиз. Янги йил оқшомида худди бармоқ изларимиз каби бир бирини такрорламайдиган қор парчалари иссиқ кафтимизда эриб кетса, қандай мазза! Қорбўрон ўйнаб кўлларимиз музласа-да қалбимиз қайноқ. Томларда омонатгина осилиб турган сумалакларда дунё акс этгандек қувонамиз уларга боқиб...

Янги йил рад қилиб бўлмайдиган тантаналар, қизиқарли фестивалларга бой. Дунёнинг кўп мамлакатларида байрам 31 декабрь куни кечкурун бошланиб, 1 январнинг дастлабки соатларигача давом этади. Одатда янги йил анъаналарига чиройли байрам дастурхони тузатиш, янги режалар тузиш, бир-бировига омад тилаш ва ҳар бир халқнинг ўзига хос ирим-сиримлари киради. Испанияда одамлар янги йил кириб келиши билан кўлларига чемодан олиб уй ичида ёки уй атрофида айланшир экан. Шундай қилинса келаётган йил савҳатларга ва турли саргузаштларга бой бўлади. Данияликлар эса ярим тунда стуллардан сакрашади. Испанлар келаётган йилнинг 12 ойига атаб, яхши ниятлар қилиб 12 хил узум навларидан истеъмол қилишади. Ёки соат 12 га бонг урганда қўшиқ куйлашади. Кўпчиликни эса чиройли салютлар жалб этиши табиий.



ФРАНЦИЯ
Французлар бир-бирларини байрам билан табриклаш асносида ўша кунги об ҳаво ва шамол йўналишига алоҳида эътибор қаратишади. Келгуси йил ҳосили ва балиқ ови қандай бўлишини янги йил кундаги об-ҳавога қараб баҳорат қилишади.

ФИЛИППИН
Филиппинда байрам жуда кўтаринки кайфиятда, шовқин-суронларга бой тарзда нишонланади. Улар бу шовқин-суронлар ёмонликларни қайтаришига ишонишади. Байрам дастурхонида 12 турдаги, думалоқ шаклдаги мева қўйилиши анъанага айланган. Улар



буни йил давомида омад келтиришига ишонишади. Бироқ байрам куни товук гўшти ва балиқ истеъмол қилинмайди. Чунки бу кейинги йил озик-овқат таъминоти учун ёмон омад сифатида қаралади.



ГРЕЦИЯ
Юнонларнинг янги йил муносабати билан уюштирилган зиёфати, давоми-

да карта ўйинлари анъанага айланган. Ярим кечада эса чироқлар ўчирилиб, тағига танга яширилган байрам пирогини дастурхонга тортилади. Ким тангали пирогини олса унга йил бўйи омад қулиб боқар экан.



АНГЛИЯ
Анъанага кўра ярим тунда одамлар уйнинг орқа томондаги эшигини очиб (эски йил чиқиб кетиши учун) биринчи учраган қора сочли эркек туз, нон ва кўмир кўтариб олд эшикдан киришини сўрашади. Бу келаётган йилда ҳар битта хонадонда етарлича егулик (нон), пул (туз) ва иссиқлик (кўмир) бўлишини билдиради.



ШОТЛАНДИЯ
Шотландияда янги йил бошқа жойлардагига нисбатан яхшироқ нишонлашади. Янги йил байрамини нишонлаш "Hogmanay" деб аталади. "Hogmanay" атамаси байрам арафасида анъанавий тарзда болаларга совға қилинадиган

кекс номидан олинган.
УЭЛЬС
Янги йил арафасида Уэльс тилида «Nos Galan» деб аталади ва улар эски йилни кузатиб, янги йилни кутиб олишининг ўзига хос ирим-сиримларига ишонишади. Агар янги йилнинг биринчи меҳмони аёл киши бўлса-ю, эшикни эркек мезбон очса, бу омадсизлик белгисидир. Бундан ташқари, агар янги йилда эшикдан кириб келадиган меҳмон қизил бош бўлса бу ҳам омадсизлик ҳисобланади.



Уэльсликлар янги йил бошла-
нишидан олдин ҳамма қарзларини тўлашлари керак деб ҳисоблашади. Анъанага кўра эски йил қарз билан кетса, келаётган йил бўйи уларнинг боши қарздан чиқмайди.

«Nos Galan» куни кичкинтойлар одатдагидан барвақтроқ ўйғонишади. Улар кўни-кўшиларни қариб, қўшиқлар ижро этишади. Бунинг эвазига уларни тангалар, ширинликлар, олма ва бошқа совға-саломлар билан сийлашади. Қўшиқ айтиш пешин вақтигача давом этади.

Барча миллатлар учун энг ширин орзулар тимсоли бўлган янги йилда барчамизни омад, соғлиқ ва бахт қуршаб олсин. Ҳаммамиз ям-яшил арча шохларига илингирим юлдузчалардек порлоқ, қувонч-шодликларга тўла умр, оппоқ қордек беғубор кўнгил соҳибига айланайлик.

Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

QARINDOSH QORBОВО

Ғулумжон байрам куни ҳам ишида ушлаб ўтирган бошлиғини ичида қойиб-уришиб кўчага чиқаркан, ўйлаиб қолди. Ахир бугун болалари учун қорбобо олиб бориши керак эмасми, кеч тушган, айна пайтда уни топиш бироз мушкул бўлар-ов...

У шошилганча уйга яқин бўлган истироҳат боғи яқинига борган эди, ҳар қалай битта қорбобоча кийинган нухсани учратди. Аниқроғи, қаршисида қорбобонинг қалин пўстинини ерга судралтириб қийиб олган митти одамча турарди. Ҳойнаҳой бошқа шерикларини одамлар уйга бошлаб кетгану, буниси ўзига миждо топмаган кўринади.

—Ҳей, сиз қорбобомисиз? — сўради Ғулумжон истеҳзо билан.

Қорбобо пакана бўлгани етмагандай, овози ҳам роса хирилдоқ, бачкана экан.

—Кўрмаяпсизми? — атрофига бир аланглаб олиб жавоб берди у. — Қорбобоман!

—Йўғей? Гномлардан чиққанмисиз нима бало!



—Ака... Эндиини... Хуллас... Хизматим учун пулни олдиндан чўзиб қўйсангиз.
—Курмағур, шунча дардисар бўлганингиз етмагандай пул ҳам оласизми ҳали?!

Қорбобо бу гапдан ранжиб нари кетмоқчи эди, Ғулумжон аранг тўхтатиб қолди.

—Тўхтанг-тўхтанг! Майли... Лекин, қопингиз кўринмаяпти?..

—Мана! — қуйма соқолидан кўзлари ҳам кўринмай кетган қорбобо бўм-бўш қопни кўйнидан чиқарди. — Бор!

—Бўш-ку!

—Нима деб ўйловдингиз?! Сиз тўлдирасиз-да!

Ғулумжоннинг энсаси қотиб унга тикилди: кечиккани камдай қорбобо ҳам олмасдан борса, болалари хафа бўлади.

Қорбобонинг "Ҳозир шунақа бўлган ўзи!", деган безбетларча изоҳидан кейин, у ноилоҳ қорбобо билан етаклашиб супермаркетга юрди. Уни сиртда

қолдириб, қопига ул-бул совға харид қилиб чиқди.

Икковлон йўлакда Ғулумжоннинг тўртинчи қаватдаги уйга чиқишга ури-нишаркан, қорбобо ўзига катта келиб турган пўстинининг этакларини босиб қопиб тоза сарсон бўлди. Ниҳоят, эшик ёнига етишганида, қорбобо унинг енгидан тортиб тўхтатди:

—Ака... Эндиини... Хуллас... Хизматим учун пулни олдиндан чўзиб қўйсангиз.

—Қурмағур, шунча дардисар бўлганингиз етмагандай пул ҳам оласизми ҳали?!

—Тирикчиликнинг айби йўқ... — пинагини бузмади қорбобо.

Хизмат ҳақисини берганидан сўнг, Ғулумжон уни етаклаб уйга кириб борди. Қорбобони, ундан ҳам кўпроқ дадасини кутаётган қизчалари пешвоз чиқишди.

Ғулумжон хотинига айбдорона елка қисиб, илжайди:

—Ишда, бошлиқ саал... Шунақа буб қолди, хотин. Ўғлинг кўринмайди?

Шунда эри етаклаб келган ажобтовур қорбобого қараб кулгусини тиёлмаётган хотини ўғлининг дўстлари билан кетганини тушунтиришга улгурмай, ёнидаги қорбобо Ғулумжоннинг қулгоғига шипшиди:

—Шу ердан, дада! Тиссс, фақат аям билан сингилларим сезишмасин...

Байрам АЛИ.



YANGI YIL AN'ANALARI

Янги йил кириб келишига ҳам санокли кунлар қолди. Байрам шуқуҳи, айём завқи барча учун ҳар хил кечади. Баъзилар учун тайёр безатилган дастурхон атрофида ўтириш завқли. Айримларга эса байрам ўзининг анъаналари билан қизиқ. Энг муҳим тантанани йил давомида эсда қоларли қилиб ўтказишда. Хўш, сизнинг ҳам оила аъзоларингизни хурсанд қилишга арзигулик анъанангиз борми? Айни савол билан юртдошларимизга мурожаат қилдик.

БАЙРАМ ТОРТИ

Назим БҮРОНОВ, талаба:



– Тўрт-беш йилдан (ресторанда ишлаб, ошпазлик қилиб бошлаганимдан) буён янги йил байрамида ўз қўлларим билан торт пишираман. Бу сеvimли машғулотиمنى, шунчалик завқ билан бажараманки, мен тайёрлаган ширинлик таъми барчанинг оғзида қолади. Тўғриси, мақтанмоқчи эмасман, байрамнинг баланд иштиёқи, сеҳрли шуқуҳи ҳаммага ўзига хос кайфият ва қувват беришини таъкидлаб ўтмоқчиман, холос.

ҚАДРДОНЛАР УЧРАШУВИ

– Биз оиламиз билан ҳар йили байрам арафасида яқинларимизнинг уйига меҳмонга борамиз, – дейди 10-синф ўқувчиси Шахризода Ҳабибуллаева. – Улар билан бир дастурхон атрофида ўтириб, йил давомида бўлган қизиқарли воқеаларни бир-биримизга айтиб ўтираемиз. Бу анъананинг эътиборли ва ёқимли томони бизнинг бир-биримизга бўлган меҳримиз, оқибатимизнинг мустақамлигиди. Байрам бизни бирлаштирувчи восита




деб биламан. Янги йилни ранг-баранг чироқлару совғалар учун эмас, айнаманана шу қадрдонлар давраси учунгина кутаман.

ОИЛАВИЙ АЛЬБОМ

Дамир ДҮСТМАТОВ, хисобчи:



– Бизнинг оилавий анъанамиз ҳаммакидан ўзгачароқ. Ҳар йили байрам арафасида рафиқам ва фарзандларим билан фотостудияга бориб суратга тушамиз ва оилавий альбомга жойлаб борамиз. Йил сўнггида эса альбом саҳифаларини варақлаб суратларни томоша қилаемиз. Альбомнинг ҳар бир саҳифасида фарзандларимнинг улғаяётгани, мен ва рафиқамнинг ёшимиз ўтаётганини сезар эканман юрагим орзиқиб кетади. Баланд арча, ранг-баранг чироқлар ва турфа совғалар билан ўтказиладиган фотосессиямиз барчамизга байрам шуқуҳини бағишлайди.



ҚҮЛБОЛА ҲИЙНЧОҚ

Севинч САЙДУЛЛАЕВА, 7-синф

ўқувчиси:

– Меҳнат дарсини яхши кўрганлигим сабабли ҳаммаша баҳоларим аъло. Арча Ҳийнчоқларини яшаш менинг сеvimли машғулотларимдан. Биз одатда арча безаш учун дўкандан Ҳийнчоқ ёки зарқоғозлар сотиб олмаимиз. Ҳаммасини синглим билан биргаликда ясаймиз. Бу бизга ҳам завқ бағишлайди, ҳам пулимиз тежалади. Бу йил картон қоғозлар ёрдамида сичқон кўринишидаги Ҳийнчоқ ясадим (йил сичқон йили бўлганлиги учун). Ойим ҳам доим бирор Ҳийнчоқ ясаган, хурсанд бўлиб пешонамдан ўпиб кўядилар. Дадажоним “Қўли гул қизим”, дея мақтасалар ўзимда йўқ қувониб кетаман ва бундан ҳам яхши нарсалар ясашга киришаман.

БАЙРАМОНА ЛИБОС

Дилмурод ПАРДАЕВ, дизайнер:



– Онажоним кишлоғимизнинг қўли гул тикувчиси. Ҳамма учун либослар тақди, ўзларига эса вақт етмайди. Бўзчи белбоққа ёлчимас, деган мақол беҳиз эмас экан. Шу боис ҳар йили онажоним учун ўз қўлларим билан чиройли ва бежирим либос тикаман. Ва бу совғамни янги йилга бонг урилган паллада уларга туҳфа қиламан.

Янги йил байрам дастурхонига нафақат аёллар, балки оила аъзоларининг барчаси астойдил тайёргарлик кўради. Дастурхоннинг қай даражада тўкин-сочинлиги эркак қилиб келган бозоридан аёллар қай даражада ўринли фойдалана олишига боғлиқ. Байрам яқинлашаётган кезларда ҳар бир хонадон бекаси бу йилги тантанани ўтган йилгидан бошқача тарзда ўтказиш учун излана бошлайди. Шу боис ҳар бир аёлнинг доимий таомномаси билан бирга ўзига хос янгиликлари ҳам бўлади. Саҳифамизда эътиборингизга ҳавола этилаётган салатларни сиз ҳам бу сафар тайёрлашга ҳаракат қилиб кўринг.

BAYRAMONA SALATLAR

борасидаги маълумотларимни сизга ҳам тақдим этмоқчиман.

Керакли масаллиқлар: 4 дона қайнатилган картошка (400 г), қайнатилган сабзи 2 та (150 г), Тузланган бодиринг 200 г, Консерваланган яшил нўхат 1 банка, 6 дона қайнатилган тухум, колбаса 300 г, майонез, қўкатлар ва таъбга кўра туз. Картошка, сабзи ва тухум сувда қайнатиб пишириб олинади. Колбаса, тузланган бодиринг ва қайнаб пишган масаллиқларнинг ҳаммаси бир хил катталиқда, яъни тўртбурчак шаклда тўғралади. Масаллиқларга майонез аралаштиргач, ликопчага солиб байрамона безатиш мумкин. Қандай безатиш, албатта, дидингизга боғлиқ (мен куйидаги суратдагидек безайман), аммо безатмасдан куйишни маслаҳат бермаган бўлар эдим.



аралаштирилади. Суратдагидек безаш учун стакандан фойдаланилади. Бу салат ўзининг ажойиб кўриниши билан ҳар қандай байрам дастурхонига ўзгача файз бахш этади.

“МИМОЗА”НИ ЁҚТИРАСИЗМИ?

Насиба Саидова:

– Хонадонимиздаги барча тантаналарда дастурхонимизни “Мимоза” салати билан безашга одатланганмиз. Бу салат ҳаммага ҳам бирдек ёқмаслиги мумкин, аммо менинг оила аъзоларим севиб истеъмол қилишади. Шунинг учун ҳам айнан шу салатни тайёрлашга алоҳида вақт ажратаман. Салат учун керакли масаллиқлар: Қайнатиб пиширилган 300 грамм


картошка, 200 грамм сабзи, 3-4 дона тухум, 50 грамм пиёз, 200 грамм ёғда консерваланган балиқ (шпрот дейилади), 200-250 грамм майонез.

Авалло қайнатилган маҳсулотларимизни совутиб пўстини арчамиз. Картошка, сабзи ва тухумни қирғичдан чиқариб, алоҳида идишларга соламиз. Сўнгра балиқни идишдан олиб, санчки ёрдамида эзамиз. Пиёзни эса майдалаб тўғраб, совуқ сувда ювиб оламиз. Қирғичдан ўтказилган тайёр маҳсулотларни ликопчага исталган шаклимизни берган ҳолда қават-қават қилиб териб чиқилади. Ёдингиздан чиқмасин, ҳар бир қаватдан сўнг, албатта, оз-оздан майонез суртилиши лозим. Охириги қаватидан сўнг майонез сурмасдан, фақатгина тухум сариғини сепиб, қўкатлар ёрдамида безашингиз мумкин.

Саҳифани Василабону тайёрлади

“ОЛИВЬЕ”СИЗ ТАСАВВУР ҚИЛА ОЛМАЙМАН

– Ҳар қандай маросим ва тантаналар арафасида хаёлимга биринчи бўлиб “Оливия” салати келади. – дея сўхбатни бошлади Дилсора Бақоева. – Байрамни бу салатни тайёрлашдан нишонлашни тасаввур ҳам қилолмайман. Ушбу салатни тайёрлаш



“O‘N MING QADAM” AFSONASI

yoxud bir kunda qancha piyoda yurish kerak?

Пиёда юришдан наф борми? Бир кунда неча километр юриш керак? Шу каби саволлар замондошларимизни қайта-қайта безовта қилаётгани бежиз эмас. Чунки айна пайтда кўплаб одамлар офисларда ўтириб иш-лашади, бироқ жисмоний машқлар бажаришга вақт ажрата олмайдилар. Тирикчиликнинг ширин ташвишлари эса соғлом бўлганимиздагина аҳамият касб этиши мумкин. Шундай экан пиёда юриш борасидаги бугунги таҳлилларимиз ва тавсияларимизга эътиборсиз бўлманг.

ХАТТО ЮГУРИШДАН ХАМ ФОЙДАЛИ

— Вазн ташлаш учун соатлаб машғулот залларида шугулланиш унчалик ҳам шарт эмас, — дейди фитнес-тренер Ксения Бондарь. — Юриш нисбатан осонроқ ва кўпроқ самара беради. Қолаверса, бу машғулот учун ортиқча ҳеч қандай спорт анжумлари, кийим ва жиҳозлар талаб этилмайди. Тоza ҳавода сайр қилишни истасангиз, бас. Шундоққина вақт ажратиб кўчага чиқинг-ва пиёда юришни одат қилинг. Тадқиқотчилар тўплаган маълумотларга кўра, юриш вазн ташлаш нуктаи назаридан, ҳаттоки югуриш, сузиш ва велосипед ҳайдашни ҳам ортда қолдирар экан. Айниқса, бир кунда 10 минг қадам юришга эришсангиз, сиз ўз ҳаётингиз пойдеворини бир неча муддатта мустаҳкамлаган бўласиз. Ҳеч қайси илмий формулалар бу синринг моҳиятини очиб беришга қодир эмас.

20 ДАҚИҚАНИНГ “МУЎЖИЗАЛАРИ”

• Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти

тадқиқотларига кўра, кунда атиги 20 дақиқалик сайр қилиш юрак қон-томир хасталиклари юзага келишини 30 фоизга камайтиради. Қисқа муддатли машғулотлар узоқ давом этувчиларига нисбатан овқат ҳазм қилишни яхшироқ ҳаракатга келтиради ва кўпроқ ёғни парчалайди. Шунинг учун ушбу режа тез ва оҳиста қадам ташлашнинг кичик интерваллари ўрин алмашлаб бажарилишига асосланган. Бундан ташқари, пиёда сайр қилишга одатланган инсонда миянинг инсултыдан ҳимояси ва депрессия аломатлари сусаяди. Шунингдек, ҳафтада 4 соат пиёда юриш қариликда сон бўйни синиши хавфини 43 фоизга қисқартириши аниқланган. Ҳозир қанча кўп ҳаракат қилсангиз, кейинги чақонлигингиз шунга яраша бўлади.

— Жисмоний машқларни бошлаган вақтимиздан 20 дақиқа ўтганидан сўнг организмимиз углеводларни парчалай бошлайди, — дейди диетолог Альбина Васильева. — Аммо сизда кундалик ташвишлар ҳаддан ташқари кўп бўлса, мунтазам юриш учун 20 дақиқа вақт ажрата олмасангиз, у ҳолда машқларни бўлиб-бўлиб бажаришингиз ҳам мумкин. Бундай ҳолатда машқларнинг таъсир доираси камайиши табиий, бироқ фойдадан холи эмас.

ЮРАККА БУЙРУҚ БЕРА ОЛМАЙСИЗ

— Бардошли юриш ва оралиқ машқлари галма-гал бажариладиган ҳафтада 6 кунлик машғулот ташкил қилинг, — дейди спорт шифокори Сергей Васин. — Ушбу машғулот сизга матонатли ва кучли бўлишингизда ёрдам беради. Машқларни бошлагандан олдин 4 дақиқалик сокин юриш орқали қизиб олинг. Охирида ҳам худди шундай 4 дақиқа орқали тамомлайсиз.



Юриш ҳаммага мос келади. Аммо бунга қадар сизнинг жисмоний фаоллигингиз нолга тенглашиб улгурган бўлса, аввалига мушаклар, бўғимлар ва юрак босимни ҳис қилиши мумкин. Бирданига юрагингизга буйруқ беришга шовшилманг. Шунинг учун ҳар эҳтимолга қарши терапевт билан маслаҳатлашиб олгангиз мақсадга мувофиқдир. Оғриқлар, бош айланиши ва кўнгил айланиши сиз ошириб юбораётганингиздан дарак беради. Агар кўкрак соҳасида кўл ва бўйинга уланувчи оғриқ, кучли бош оғриғи пайдо бўлса, машғулотни тўхтатинг ва шифокорга мурожаат қилинг.

ОРТИҚЧА ЗҮРИҚИШГА ЙЎЛ ҚҲЙМАНГ!

Кардиолог Сергей Мясиннинг таъкидлашича, юрак мушаклари машқлари томи маънода ҳаракат бошланишининг биринчи сониясидан бошланади. Албатта, тўғри белгиланган кардиоюклама юрагингизни беҳаловат қилмайди. Масалан, бир маромда юриш, сузиш ва эшак эшиш туфайли организм ортиқча зўриқини ҳис қилмайди. Бироқ қисқа вақтда ва тез бажарилган машқлар ҳам фойдасиз эмас. Фақат ҳаракатнинг тўлиқ етишмаслиги организм учун зарарли.

Пиёда юриш учун алоҳида вақт ажратишингиз шарт эмас. Агар ишга кетаётган бўлсангиз, ишхонангизга 2-3 бекат қолганида автобусдан тушиб қолинг. Ёки тала қаватдаги хонага зиналар ёрдамида кўтарилинг. Маълум бўлишича,

зина бўйлаб юқорига кўтарилиш энг кўп қувват сарфланувчи машғулотлардан экан — бунга оддий жисмоний машқлар комплексига нисбатан 50 фоиз кўп қувват сарфланади.

ОЛДИНГИЗГА МАҚСАД ҚҲЙИНГ ВА ЭРИШИНГ!

Пиёда юришга одатланаётган чоғингизда ўзига хос тайёргарлик кўришни ҳам унутманг. Аввало олдингизга қатъий равишда мақсад қўйинг. Агар спорт билан шугулланганингизга анча вақт бўлган бўлса, дастлаб 10 дақиқа давомида ҳаракатланг. Ҳафта ўтиши билан юришни 5 дақиқага оширинг. Ушбу босқичма-босқич ёндашув танангизнинг мослашишига ёрдам беради ва шикастланиш хавфини камайтиради. Дастлаб мушакларингизда оғриқ бўлиши, табиий. Мунтазам равишда юришни бошлаганингиздан сўнг бу оғриқ ўтиб кетади. Агар бу ҳолат юришингизга ҳалақит берса ёки нафақат мушаклар, балки бўғимлар ҳам оғриси, бир-икки кун танеафус қилинг. Тизза касосида, товон пайлариди, тўпикларда ёки сонда оғриқни ҳис қилсангиз, демакки, ошириб юборасиз. Оғриётган соҳаларга муз қўйиб, бир-икки кун дам олинг. Агар бу ёрдам бермаса, шифокор билан маслаҳатлашинг.

Машқларни бошлаганингиз билан кундалик тутинг ва вазнингизни қайд этиб бординг. Ушбу қайдларингиз мотивацияни йўқотмасликка ва муваффақиятингизни кузатиб боришга ёрдам беради.

АИФдан 3. МЕЛИБОЕВА таржумаси

SINGAN KO‘NGIL

Севара куни бўйи ошхонадан чиқмай пишириқлар, турли-туман салатлар тайёрлади. Дастурхонга ҳамма нарсаси тахт. Кечқурун хўжайини келса шунча нарсани бир ўзи пиширганини кўриб хурсанд бўлади. Балки бирорта совға олиб келар. Ана шундай орзуларга берилиб, кеч тушганини ҳам сезмай қолди. Болалар соат беш бўлмай дастурхонни безашга киришишди. Бугун улар жуда чаққон. Бири пиёлаларни ювган, бири сочиқларни дастурхон устига тахлаб қўйган.

— Ойижон, Қорбобо ҳам келадими? — Сўради кичиги эрқаланиб.

— Ҳа, ўғлим, даданг, бу йил Қорбобони таклиф қиламиз, албатта келади деган. Ҳозир дастурхонни безаб олайлик, дадангга кўнгирик қилиб эслатиб қўямиз.

Севара ҳали телефон қилишга улгурмай Муроджоннинг ўзи уйга кўнгирик қилиб қолди.

— Алло ойиси, мен сал кечроқ бораман. Синфдошлар билан бир жойда ўтиргандик. Базм қизиб кетди. Узинг бошлаб туравер.

Севара гўшақдан узуқ-юлуқ эшитилиб турган



мушиқа товушлари ичида хўжайинининг сўзларини аранг эшитиб қолди.

— Ким учун шунча олиб-югуриб, нарсалар пиширдим. Ахир ўша ўртоқлари билан эртага ҳам ўтирса бўларди-ку. Ҳа, майли, ўзимиз бошлаб тураверамиз. Севара эндигина дастурхонни тузаб бўлганди овсини билан қайноғаси уч боласини эргаштириб кириб келишди.

— Амаки, янги йилни биз билан кутасизларми? —

дейишди болалар бирданига хурсанд бўлиб.

— Севарахон, ярим соатга бир жойга ўтиб келайлик. Бошлигимни табриклаб келмасам бўлмайди. Совғаям олиб қўйганмиз. Кўчада такси кутиб турибди. Дарров қайтамыз. Кейин янги йилни бирга кутамиз.

Овсини билан қайнақаси уч боласини уйга киргизди-ю, кўчага шошиб чиқиб кетишди. Севара ҳайрон бўлганича қолаверди. Болалар эса тўполон қилишга шерик топилганидан хурсанд, уйни бошларига кўтариб юрганларини-югурган. Севара бирининг оғзига овқат тутиб, бирини ҳолатга олиб кириб, ширинликка бўялган юзларини ювиб чарчаб кетди. Беш бола ҳали у уйга югуришади, ҳали бу уйга. Болаларнинг қий-чувида боши айланган Севара янги йилни қутолмай ухлаб қолди. Тонг саҳарга яқин етиб келган хўжайини болаларни безовта қилмай, дея секингина ўрнига кириб ётди. Эрталаб Севара овсини кўнгирик қилса, гўшақни олди-ю, уйқуриб жавоб берди.

— Севарахон, бугун ҳам болаларга қараб туринг. Бошим тарс ёрилай деганти. Кеча уйга қайтамиз десам рухсат беришмади. Биласиз-ку, раҳбарларнинг раъйига қарамасангиз бўлмайди...

Гўшақдан бироз тут-тут деган овоз келди-ю, кейин ўчди.

Нигора



DUO – DORIDAN HAM KUCHLIMI?



Бугун яна бошим оғриди. Ни-магадир, ҳар доим шаҳардан қайтаётганимда бир оғриқли нуқта пайдо бўлади-ю, бувим-ниқ, бувим бўлмаган пайтлари онамнинг силашларидан ва дуо-ларидан кейин дарҳол йўқолади. Ҳазиллашиб, бувимга: “Сиз-нинг кўлингиз ҳар қандай до-ридан кучли”, дейман. Қизиқ, бу куч нима экан? Тўқсон ёшга яқинлашаётган Боғдагул бувим ўзидаги бебаҳо кучни дуо билан ўлчайди.

ўйланиб қоламан.

КАТТАЛАР ЙЎҚУ

Бувимнинг айтганларидан сўнг чуқур мулоҳазалар гирдобиди қолгандай бўламан. Энг кучли доридан ҳам куч-ли дуонинг қадрини бугун қанчалик қадрляймиз, деб ўзимга ўзим савол бераман. Йўқ, етарлича қадрлай олма-ямиз... Мактаб ошхонасига синфдош-ларимиз билан кириб тураемиз. Кўшимча дарсларга борадиган кунлари, бизнинг тушлигимиз “қарзга бўлса ҳам савдо қиладиган ягона буфетчи” номига сазовор бўлган Сабоҳат холаминг ширин овқатлари бўлади. Бир кун ош, бир кун яна бошқача таомлар. Уларни еб кўрган инсон борки, яна шундай овқат бўлса, деб орзу қилади. Хуллас, кичик макта-бимизнинг файзи катта ошхонасига биз-дан бошқа ўғил-қизлар ҳам киришади. Кўпчилиги овқатдан кейин дуо қилмай, туриб кетишади. Сабабини сўраганимда эса, “катталар йўқ-ку” деган жавобни оламан. Наҳотки, бу ўқувчиларга уйла-рида дуо фақат катталар олдида, улар томонидан айтилади, деб ўқтирилган бўлса. Ахир, дуо яхши ниятлар, умид ва орзулар, поклик ва самимият, дилда яралган яхши сўзлар жамланган саодат белгиси эмасми? Бу ҳақда бувимдан сўраганимда, қуйидагича жавоб олдим. “Биринчидан, овқат ҳамма билан, ҳеч нарсага, айниқса, анави бўлмагур кино кўрсатувларга чалғимасдан ейилса, оғир ботмайди. Яхши ҳазм

бўлади. Бир дастурхон атрофида ўтиришининг, нон синдириш-у, қўл билан палов ейишнинг гаши бўлак. Бугунги ёшлар эса бу гаштли қадриятларга эскилик аломати сифатида қарамоқда. Иккинчидан, дуо ҳар бир болага инсон тилаклари ва ниятларининг мажмуаси сифатида ўргатилиши лозим.

“Дадаг омин қилгандан кейин турасан.

Жим ўтир, дуони бўлма.

Тезроқ дуоси тугаса, телевизор-ни овозини баландлатардиқ.

Кўлингни оч, тўғри ўтир, гап кўшма”.

Юқоридоги каби сўзларни бола-га айтиш мутлақо хато. Мен буну ёқламаймман. Дуо ҳақида тушунча бераётганда катталар ўйлаб гапирини, сўз эмас, фикр айтиши керак.

Учинчидан, бугун ёш оилалар ишга, бошқа ерларга шошилиб, дуо қилишининг ўрнига, қўлларини юзла-рига суртиб қўя қолишади. Дуосиз ҳаракатланган кўл, учшига интилган хўрозга ўхшайди. Бари бир хўроз учма-гани каби, юқоридоги дуонинг “замонавий” усули ҳам бирор наф бермайди. Табиийки, бундай оилада усган фарзанд дуо қилиши ва унинг қадрини қаердан ҳам билсин, болам...”

«БОЛАГИНАМНИНГ БОЛАСИ...»

Бувимнинг мулоҳазаларидан кейин, очиги дуога эътиборсиз оилаларнинг сусти маънавиятига раҳмим келди. Наҳотки, қадим қадриятлар замон зай-ли билан унутилаётган бўлса. Яқинда дала ишларимизни тугатиб олдик. Да-дам шолликор бўлгани учун, уйимиздан икки километрча узоқликда жойлашган далага кўзнинг ҳар кунинида қатнадик. Ана шундай меҳнат масъулияти ортан кунларнинг бирида Фарғонадан бувим келиб қолди. Дадам келишини кутма-дик. Бувим кела солиб, далага буй бораилки, деса бўладими. Узи йўлдан чарчаб келдингиз, десак ҳам кўнмади. Иккимиз шолликор қайдасан, деб йўлга тушдик. Очиги, кўп пивёда юриб, пешо-намдан маржон-маржон тер оқарди. Бувим бўлса дадамнинг бу йилги ҳосили қандай бўлганини сўраб, мендан илдам кетиб борарди. Далага борсак, дадам ўроқчилар билан узоқроқда экан. Ёни-мизга келгунча қадар бувим эглатлар-нинг бирига ўтирди-ю, дуо қила бошла-ди. “Омин. Яратган баракасини берсин.

Шоликор болаларимнинг ҳосили адо бўлмас бўлсин... Болагинамнинг бо-ласи ҳам ўз илми билан ўқишларга ўтиб, Худойберди Тўхтабоевга ўхшаган ёзувчи бўлсин”. Ҳар сафар, дуонинг ўзим ҳақимдаги қисмини эшитганимда юрагим ўзгача уради. Хурсанд бўлиб кетаман. Нега айнан, Худойберди Тўхтабоев десангиз, бувим болагинида сеvimли ёзувчимиз билан бириг битта мактабда ўқиган, далада бузоқ боққан, меҳнат қилган экан. Шу-шу мени ана шу ёзувчимизга ўхшашимни хоҳлайди.

НОЎРИН АЙБЛОВ

Хуллас, дуо ўқилаётган пайтда дадам бизга яқинлашиб қолди. Бувим, дадам дейишимни биламан, дадам кўлини бурнига яқинлаштириб, жим деган маънода бош чайқади. Секин ёнимизга келиб ўтирди. Дуо тугандан кейин, бувим билан кўришди. Ундан кейин чарчаб келган бувимни далага боришга ундаган деган “айблов” билан салгина гап эшитдим. Дадам бувимни кўрганидан хурсандлиги учун унчалик уришмади. Мен эса боя нима учун жим, деганларини сўрадим. Шунда дадажоним: “Дуони бўлиб бўлмайди. Эсинг бўлса, ҳеч қачон ундай қилма”, — дедилар. Қизиқ, оиламизда шунчалик қадрланадиган дуо нега баъзи хонадон-ларда апплақачон унутилаётган мавзуга айланган, ҳеч ишонгим келмайди.

СИЗНИ ҲАМ ДУО ҚИЛДИЛАР!

Айни шу ёзганларим билан дуонинг қай даражада қимматли эканини оила-миз кўринишида тасвирлашга ҳаракат қилдим. Мисолларни, воқеаларни бошқалардан изламадим. Лекин кўз ол-дингизда содир бўлаётган муҳитни тас-вирлаш ажойиб экан. Меҳрибон буйво-номидан мақоламини ўқувчиларни ҳам дуо қилиб қўйишни сўрадим. Ишонмасангиз, ана шу сўзларни ҳам келтиришим мум-кин: “Омин, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Янги йил ҳамма учун яхши йил бўлиб келсин. Янаги йил шу кунларда дуо қилиб ўтириш менга ҳам насиб этсин. Болагинамни ёзганлари-ни газеталарда чиқараётганлар ҳам, ўқиётганлар ҳам омин бўлсин. Илмига илм, заковатига заковат қўшилсин. Юрт-бошимиз омин бўлсин”.

Азизим, дуо нақадар буюк эканини тушунингизга ҳаракат қилиб кўринг. Ён-атрофдагиларга ҳам унинг қудрати ҳақида сўзлаб беринг. Бувим дуосидаги каби, янги йил бархонгизга қувонч, че-кисиз омад ва бахт олиб келсин.

Ёрқинжон ҲАЙИТБОВ,
Сирдарё вилояти.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Йил аёли” миллий танлови ҳар томонлама фаол хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган амал-лий ҳаракатлардан биридир.

Жорий йилги танловнинг вилоят босқичи Конимех туманидаги “Конимех Экопарк” дам олиш масканида ўтказилди. Тадбирда вилоят, барча шаҳар ва туман хотин-қизлар кўмиталари вакиллари, шунингдек, ҳудудларнинг ижтимоий, иқтисодий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган фаол аёллар иштирок этди.

Шунингдек, тадбирда “Йилнинг тадбиркор аёли” ва “Йилнинг фермер аёли” танловлари ғолиблари ҳам аниқланди. Хатирчилик тадбиркор Шалопа Акрамо-

IBRATLI VA FAOL AYOLLAR TAQDIRLANDI

ва ҳамда карманалик фермер Юлдуз Ёрқуловалар биринчи даража-ли диплом билан тақдирланиши.

– “Воҳид Мусо” кўп тармоқли фермер хўжалигини 2002 йилда ташкил этган-ман, – дейди Ю. Ёрқулова. – Пахта, галладан ташқари, лимончилик, асал-дарчилик, парран-дачиликни ҳам йўлга қўйганман. Қорамолларимиз бор. Жорий йил хўжалигимиз учун ҳар томонлама омадли келди. Фалла



ниятидаман.

Айтиш керакки, танловнинг саралаш босқичларида ҳудудий комиссиялар томонидан иштирокчиларнинг фаолияти тақдим этилган хўжаликлар жойига чиқиб ўрганилиб, биттадан номзод саралаб олинган эди. Вилоят босқичида эса иштирокчилар 11 та номинация бўйича тақдирландилар.

Иштирокчиларга махсус сертификат ва эсдалик совғалари берилди.

Ўз мухбиримиз.

ЭЪЛОН

Перевизник Василий Михайлович номига 22.02.1993 йилда берилган № 05-01/4822 рақамли гос ордер йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ “ҲУНАРМАНД” УЮШМАСИ

*барча юртдошларимизни
кириб келаётган янги 2020 йил
билан самимий қутлайди.
Ватанимиз тинч, осмонимиз
мусаффо, юртдошларимиз
омон бўлсин!*

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Хизматлар лицензияланган

*Тошкент шаҳар хотин-қизлар
тадбиркорлик маркази барчангизни
кириб келаётган Янги 2020 йил
билан самимий муборакбод этади!*

*Сизларга мустаҳкам соғлик,
хонадонингизга тўкинлик,
дастурхонингизга
қут-барака
тилайди.*

Янги – 2020 йил муборак бўлсин, азизлар!

Хизматлар лицензияланган

“TASHIKENT TRADE CENTER” MCHJ XK

жамоаси номидан

барчангизни кириб келаётган

Янги 2020 йил

билан самимий муборақбод этамиз!

*Сизга ва оила аъзоларингизга
сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотир-
жамлик, барака тилаб қоламиз.*

*Янги йил давомида Сизга
янги ютуқлар, улкан зафар-
лар, фақат хушxabарлар ва
хурсандчиликлар ҳамроҳ бўлсин.*

*Юртимиз осмони ҳамиша
мусаффо бўлсин.*

Хизматлар лицензияланган

ИШГА МАРҲАМАТ!

“Аҳолининг ичимлик суви билак таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”га Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябр ПФ-5883-сонли Фармони асосида Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимида кирувчи сув таъминоти давлат унитар корхоналари негизида қайта тузиш орқали “Ўзсувтаъминот” АЖ ташкил этилиши муносабати билан вилоят “Сувоқова” давлат унитар корхонасига 2020 йилнинг 1 январидан мажбурий ижро бюросининг сув қарздор-

лигани ундириш нозирлиги вазифасига олий ёки ўрта-махсус маълумотга эга, коммунал соҳасида етарли билим ва малакага эга бўлган йигит-қизлар суҳбат ва танлов асосида

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Мутахассисларни ишга қабул қилишда аҳоли билан бўлган муомала маданияти, ишчанлиги ва талабчанлиги эътиборга олинади.

Ишга қабул қилинувчилар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси 80-моддасида (ишга қабул қилиш вақтида талаб қилинадиган ҳужжатлар) назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этишлари лозим.

Мурожаат учун манзил;

Қарши шаҳри, Хонобод шоҳ кўчаси 1 уй.

Мўлжал: Қарши туманлараро фуқаролик ишлари буйича суди биноси,

Телефон рақамлари: 75-224-20-02, 75-224-07-30.



Qashqadaryo viloyat Bandlik bosh boshqarmasi jamoasi barcha yurtdoshlarimizni kirib kelayotgan 2020-yil bilan tabriklaydi!

Vatanimiz ravnaqi yo'lida sidqidildan xizmat qilayotgan xalqimizga sihat-salomatlik, uzoq umr tilaydi.

YANGI YILINGIZ QUTLUG' BO'LSIN!

Хизматлар лицензияланган

2020 Азиз Ватандошлар ва юртимиз меҳмонлари!

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки жамоаси Сиз азизларни яқинлашиб келаётган – 2020 йил билан самимий муборакбод этади!

Ушбу қувончли байрам кунлари арафасида Сизларга тинчлик-омонлик, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга қут-барака, бахт ва омад, дастурхонларингизга тўкин-сочинлик, фаровонлик ва Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик фаолиятларингизда улкан зафарлар тилайди!

Янги йилда барча йўлаган ниятларингиз амалга ошсин. Ўзбекистон осмонида доимо тинчлик ва фаровонлик ҳукм сурсин!

Янги 2020 йил муборак бўлсин азизлар!

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки мижозлар учун барча турдаги кенг қўламли банк маҳсулотлари ва хизматларини тақлиф қилади.

Call center: (+998 78) 140-00-88
Web-saam: www.trustbank.uz
Telegramm: https://t.me/trustbankuz

Фейсбук: https://www.facebook.com/trustbank_uz
Инстаграм: https://www.instagram.com/trustbank_uz/?hl=ru
info@trustbank.uz

Хизматлар лицензияланган

Газетанинг навбатдаги сони 2020 йил 8 январда чоп этилади.

<p>Oila va jamiyat Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета</p> <p>Обуна индекси – 176</p>	<p>МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Болалар ва оналарни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темура кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Қабулхона: (факс) 233-28-20, Котибият: 233-04-35, 234-76-08</p>	<p>Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 1236. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ. Адади – 1895. Баҳоси келишилган нархда.</p>
	<p>Бош муҳаррир в.б.: Акбар ҚАРШИЕВ</p>	<p>E-mail: oilavajamiyat@mail.ru Web-site: oila-va-jamiyat.uz</p>	<p>Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00</p> <p>Навбатчи: М. Тожимаматова Мусакхих: С. Сайдалимов Саҳифаловчи: А. Маликов</p>